# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 53 (9.550) 2001 йил 7 май, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## Ўзбекистон — Россия:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг Россияга давлат ташрифининг иккинчи кунида, 4 майда номаълум аскар қабрига гул қўйиб, фашизм устидан ғалаба қозонилган сана — 9 май арафасида марҳумлар руҳини ёд этди.

Кремлда давлатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, Ўзбекистон ва Россия Президентлари яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг барча жабҳалари атрофлича муҳокама этилди.

Жумладан, суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар тузилмасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб, Россиянинг Ўзбекистон бозорида янада фаоллашуви ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишига эътиборни қаратди. Президентимизнинг фикрича, бу жараён қўшма корхоналар тузиш ва хусусийлаштириш дастурларида қатнашиш шаклида бўлиши мумкин.

Президентлар учрашувида Ўзбекистон-Россия савдо палатасини тузиш тўғрисида сўз борган ва айни масала юзасидан деярли келишувга эришилган. Айни пайтда В. Путин Россия Хавфсизлик кенгашида икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техникавий алоқалар мониторинги бўйича махсус гуруҳ тузишни таклиф этган.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёдаги хавфсизлик масаласига катта эътибор қаратилди. Ислом Каримов Россия билан бу соҳадаги ҳамкорлик минтақада халқаро террорчиликка қарши курашнинг муҳим шартларидан бири эканлигини таъкидлади. Жиноий гуруҳларнинг Ўзбекистон ва Қирғизистонга суқилиб кириши қайта такрорланмаслиги учун Россия билан ҳамкорлик зарурдир. Бундай гуруҳлар пайининг қирқилишидан Россия ҳам жуда манфаатдордир. Чунки халқаро террорчилик Шимолдаги ҳамкоримизни ҳам четлаб ўтмаётганлиги сир эмас.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида йиғилиб қолган муаммоларга ечим топиш, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш борасида фикр алмашилди. Томонлар ҳарбий-техникавий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилди. Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Қўшма баёноти ҳамда Чегара масаласи бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

1999 йилнинг декабрида В. Путиннинг Тошкентга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома қабул қилинган эди. Ана шу ҳужжатнинг ратификация ёрлиқларини алмашиш ҳақидаги протокол имзоланди.

Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия, ўзаро савдода билвосита солиқ олиш тамойиллари, контрабанда ва божхона қонунбузарлигига қарши курашда ҳамкорлик, божхонага оид ҳужжатлар ва тартиб-қоидаларни ўзаро тан олиш, божхонадан ўтиш тартибини енгиллатиш ва соддалаштириш, маданий соҳада 2001-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилинди.

Кремлдаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Президент Ислом Каримов Россия ҳукумати уйига ташриф буюрди. Бу ерда ҳукумат раиси Михаил Касьянов билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масаласига қаратилди.

Ўзбекистон — Россия муносабатларида фан ва таълим соҳалари алоҳида ўрин тутади. Президентимизнинг ташрифи дастурига Михаил Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг илмий кенгаши вакиллари билан учрашув киритилгани бежиз эмас. Мазкур учрашувда таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма тадқиқотларни кўпайтириш ҳақида сўз борди.

Ислом Каримовнинг МДУга ташрифи чоғида бу ерда «Ўзбекистон: Мустақилликнинг ўн йили» мавзуида фотокўргазма ҳам ташкил этилди. Унда етмишдан ортиқ сурат ҳамда юртимизнинг бугуни ва ўтмиши ҳақида батафсил маълумот берувчи лавҳалар намойиш қилинмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

* * *

5 май — ташрифнинг учинчи кунги дастури Москва шаҳри мэри Юрий Лужковнинг Ўзбекистон Президенти шарафига уюштирган қабул маросимидан бошланди. Кейин Ислом Каримов ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар Россия пойтахтининг айрим янги қурилишлари билан танишдилар.

Ўзбекистондан борган меҳмонлар Москва-сити бизнес маркази қурилишида бўлдилар. Бу ерда мамлакатимиз Президенти Россия Федерацияси пойтахтининг амалий иш доиралари вакиллари билан суҳбатлашди. Улар Ўзбекистон тадбиркорлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксалтиришдан ўзларининг манфаатдор эканликларини изҳор этдилар. Ислом Каримов ва делегация аъзолари шунингдек катта таъмирлаш ишлари олиб борилаётган мажмуа билан танишдилар.

Москва бўйлаб сафари пайтида Москва мэри Юрий Лужков билан суҳбатларда Ўзбекистон Республикаси Президенти икки давлат пойтахтлари ўртасида турли йўналишларда, жумладан шаҳарсозлик соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришни таклиф қилди.

Кейин «Внуково» аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Қўшинларнинг ҳамма турлари вакилларидан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Шу куннинг ўзидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкентга қайтиб келди.

Россияга ўзининг давлат ташрифи якунларини баҳолар экан Президент Ислом Каримов ташрифдан кўзда тутилган барча мақсадларга эришилганлиги, баъзи йўналишлар бўйича эса янада кўпроқ мақсадларга эришилганлигини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз делегациясига энг юксак даражада ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилганлигини, Россия томонининг ҳар иккала давлатнинг сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва гуманитар даражалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирганлигини таъкидлаб ўтди. Россия билан Ўзбекистон муносабатларидаги ҳамкорликнинг янги уфқлари икки томонлама имзоланган ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Ниҳоясига етган ушбу ташриф шак-шубҳасиз икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



*Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш демакдир.*

**Ислом КАРИМОВ**

# Номингиз абадий барҳаёт

**Ҳар гал бу майдонга зиёратга келганимда ўтганларнинг руҳи олдида бош эгаман. Мотамсаро она ҳайкалига узоқ тикилиб, хаёлга толаман. Во ажаб, орадан ярим асрдан ортиқроқ вақт ўтди. Машъум уруш олови аллақачонлар сўнди. Лекин унинг асорати юракларимизда бир умрлик армонга айланиб қолган экан. У ҳамон мисли олов сингари онажонларимиз жигар-бағрини ўртаб келаётганига ушбу манзаранинг ўзи гувоҳлик бериб турибди.**

Эл-юрт фарзандлари номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган ёдгорлик лавҳаларини бирма-бир варақлайман. Қанчадан қанча номлар зикр этилган унда. Бугун уларни санаб адоғига ета олмаймиз. Албатта бу санага шунчалик катта эътибор бераётганимизнинг боиси бор. Бу Истиқлол нашидаси, инсоний қадриятларнинг тикланиши, демократик жамият қурилишининг мазмун-мундарижаси намойишлари. Хотираси бутун халқ миллати, ўзлигини англагани сайин миллий афзалликларини кўз қорачиғидай асрайди. Агар йилларни бир-бирига қиёсласак бу руҳи покларнинг кўпчилиги йигитликнинг авжи навқирон ёшида оламдан ўтганлигига шоҳид бўламиз. Беихтиёр кўз ўнгимизга нуроний оналар, ўн гулидан бир гули очилмаган ёш, лобар аёллар, чимилдиқ ичига эндигина кирган келинчаклар келади. Бир томондан уларнинг: «Бизнинг гуноҳимиз не эди?» деган фарёдлари, бир томондан эса: «Биз ҳам ҳаёт лаззатини тотишга ва яшашга ҳақли эдик», деган шаҳид кетган йигитларнинг оҳу ноласи эшитилгандек бўлади.

Обидага битилган: «Сен доим қалбимдасан, жигарим!» деган сўзларни ўқийман. Гўё улар онажонларимизнинг фарзандларига бўлган меҳрини ифодалаш билан бирга одамларни ҳушёрликка чорлаб тургандек. Гўё бу сўзлар авлодларга ўша даҳшатли йиллар хотирасини эслатиб, уларни бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етишга, тинчликни муқаддас билишга ундаётгандек бўлиб туюлади.

Мотамсаро онага тикила туриб яна бир гап дилимдан ўтди. Бугун бутун олам аҳлини танг қолдирган бу мўъжизакор мажмуани яратиш ташаббускори бўлган Юртбошимиз шаънига бир олам эзгу тилаклар дилимдан қуйилиб келди. Бугун қанча-қанча нури дийдаларимизнинг руҳини шод этган бу ноёб ёдгорликни бунёд этишда қатнашган ижодкору қурувчиларга, теварак атрофни чароғон қилиб қўйган қўли гул кишилар меҳнатига тасаннолар айтгим келди. Майдонга чинакам кўрк бағишлаган бу мажмуа шаҳрим номи билан боғлиқлигини эслаб, қалбим янада ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлди.

Ҳалигина одамлардан холи бўлган ёдгорлик атрофи кўп ўтмай зиёратчилар билан гавжумлашди. Улар орасида кимлар йўқ дейсиз. Қорақалпоғистоннинг, мамлакатимиз вилоятининг барча вакилларини учратиш мумкин. Майдон момоси — Мотамсаро она эса келганларни ўз бағрига чорлайди. Гўё онаизор зиёратгоҳга ташриф буюрганларга қарата ушбу сўзларни айтаётгандай. «Келинг, келаверинг азизларим бу жой муқаддас. Унинг ҳокини кўзингизга суртсангиз арзийди. Майдон пешайвони токчасида ёзилган ёдгорлик лавҳаларида минглаб жигаргўшаларингиз, боболарингизнинг номлари битилган. Уларни тавоф этиб номларини тилга олиб хотирласангиз кўнглингиз обод, руҳингиз шод бўлади. Эй менинг жигарбандларим! Кўзингизни каттароқ очинг. Ўтган уруш даҳшатларини унутманг. У қанча-қанча нури дийдаларимизнинг умрига зомин бўлди. Илоҳо, у даҳшатли кунлар бошимизда қайта такрорланмасин.

Ўтмишни эслаш нақадар оғир. Лекин узоқ манзилни кўзлаган карвон маълум бир нуқтага етгач, орқага босиб ўтган йўлига бир назар ташлайди. Инсон боласи ҳам яхши-ёмон кунларида ортига қараб ўтмишини кўз олдига келтиради. Йиллар мазмунини ўзича сарҳисоб қилади. Босиб ўтилган йўлида нималарнидир эслаб қувонади, нималарнидир хотирлаб куйинади. Биласизки уруш 61 мамлакатни, ер юзи аҳолисининг 80 фоизини ўз домига тортди. 50 миллиондан ортиқ кишининг ҳаётини олиб кетди. Ўзбекистонимизда ҳам уруш даҳшатлари кириб бормаган биронта хонадон қолмади. Мана шунинг ўзи бу ёруғ кунлар ўз-ўзидан келмаганлигини, унда минглаб, миллионлаб инсонларни хотирлашга арзигулик жасоратлари ётганлигини намоён этиб турибди».

Хаёллар оғушида сўлим Анҳор томон одимлайман. Мавжланиб оқаётган Анҳор тўлқинларига маъюс тикиламан. Улар орасида жанггоҳларда ҳалок бўлган турли қиёфалар жонланади. Улар бир овоздан: «Авлодлар, биз сизларни севардик, раҳмат, сизлар ҳам бизни унутмабсизлар. Бахтимиз қуёши ярқираб ҳақиқат тантана қилди. У йиллар ўтсада, изсиз кетмади. Номларимиз халқимиз тилида эъзозланди. Абадий достонга айланди».

Шу ўринда ўз-ўзидан хўш, ўша жон олиб жон берилган кунларда қўлда қурол билан жангга кирган баҳодирларимиз ўзларини қандай тутишди экан, деган савол туғилади. Албатта ўлимни бўйниларига олишган. Ҳар лаҳзада отилажак ўқ ҳаётларига сўнгги нуқта қўйишини ҳис этишган бўлсалар-да ажал олдида бошларини мағрур тутишган. Зеро ҳаётга чанқоқлик ҳар нафасда сезилиб турсада, улардаги енгилмас ирода, жонфидолик олдида қўрқув чекинган...

Анҳор бўйлаб юриб яна Мустақиллик майдонига чиқиб қолибман. Баногоҳ жажжигина қизалоқнинг қўлимдан тортқилашидан ўзимга келдим.

— Амакижон, сизни бувим чақиряптилар.

Мендан сал нарида бошига қора шол рўмол ўраб олган кекса бир онахон турарди.

— Болам, илтимос, мана бу лавҳаларни қараб бергин, менинг ҳам урушда ҳалок бўлган ўғлимнинг исми битилганмикан унда. Оти Қаршибой, отасининг номи Ўроқ.

Қашқадарёдан келган онаизорнинг истагини бажо келтирдим. У ўғлининг номи тилга олиниши билан жим қолиб, кўзидан юм-юм ёш тўкди. Кейин фарзандининг исми-шарифи битилган саҳифани силаб-сийпаб: «Болам, болажоним», дея унсиз бўзлади. Қўллари толгач ерга тиз чўкиб тиловат бошлади. Онаизорни ўз ҳолига қўйиб нари кетдим.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан биз яна бир бор мозийга қайтдик, ўтмишга назар ташладик. Жанг майдонларида ва уруш орти меҳнат жабҳасида матонат кўрсатган, мангуликка дахлдор аждодларимизнинг хотирасини яна бир бор тилга олдик, эсладик.

Ниятимиз холис. Илоҳим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, озодлик ва истиқлолимиз абадий бўлсин.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

**• Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган махсус саҳифа материалларини газетанинг 2-бетида ўқийсиз.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• Олий Мажлисда Омбудсман ҳузуридаги Инсоннинг Конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

• Тошкент шаҳрида Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига тайёргарлик кўриш бўйича тузилган комиссия йиғилиши бўлди. Йиғилишни комиссия раиси, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов олиб борди. Йиғилишда Президентимизнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони, унда белгиланган тадбирлар бу хайрли ишларни халқимизнинг анъаналарига мос равишда янги босқичга олиб чиқиши қайд этилди, белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича аниқ тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

• **Бугун** Тошкентда Ўзбекистон жангчи-фахрийлари (байналмилалчилари) уюшмаси кенгаши ўз ишини бошлади. Ушбу тадбир мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, Миллий хавфсизлик хизмати ва давлат чегараларини қўриқлаш бўйича қўмитанинг қўллаб-қувватлашида ташкил этилди.

• «Кока-Кола»нинг Ўзбекистондаги компанияси шохобчалари машҳур фирма ёрлиғи билан яна икки хил ичимликни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

• Бухородаги Заргарон мачитида ушбу кўҳна шаҳар ёдгорликлари тарихи музейи очилди.

• **Бугун** пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан шаҳар умумтаълим мактабларининг ўқувчилари иштирокида «Яшил чироқ-2001» шаҳар кўрик-танлови ўтказилди.

### Жаҳонда

• Москвада Катта театрда 9 Май арафасида уруш фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин учрашув иштирокчиларига қутлов йўллади.

• Исроилнинг расмий маъмурлари Фаластин мухториятининг раҳбари Ёсир Арофатнинг тинчлик музокараларини қайтадан бошлаш тўғрисидаги таклифига рад жавоби қайтардилар. Тель-Авивда қуролли ҳужумлар ва террорчилик ҳолатларини фаластинликлардан тўхтатиш талаб қилинмоқда. **Кеча** эрталаб Исроил пойтахтига яқин жойдаги автобус бекатида яна битта бомба портлатилди.

• Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов Ливияга ташрифи пайтида Ливия раҳбари Муаммар Каддафи билан учрашади.

• Македонияда яқин вақт ичида ҳарбий ҳолат жорий этилиши мумкин. Ушбу мамлакатнинг ҳукумат қўшинлари Косово чегарасида албан жангарилари билан жанглар олиб бормоқдалар. Жангарилар тинч аҳолидан жонли қалқон сифатида фойдаланмоқда. Бир қатор хорижий ахборот агентликларининг хабарларига қараганда Албания Македониянинг чегаралари яқинига учта дивизиясини олиб бориб қўйган.

• Толибларга қарши коалиция етакчиси Аҳмад Маъсуд шимолий альянс ҳарбий раҳбариятида юз берган ўзгаришлардан сўнг толибларга қарши янги жанглар бошланиши ҳақида баёнот берди.

• Қарийб 20 йиллик танаффусдан сўнг Сурия ҳудуди орқали Туркия билан Ироқ ўртасида темир йўл алоқаси яна йўлга қўйилди.

• Япония маъмурлари ўзини КХДР раҳбари Ким Чен Ирнинг ўғли деб атаган Ким Чен Намни мамлакатдан чиқариб юбордилар. Маълумки, Ким Чен Нам Японияга Доминикан Республикаси фуқаросининг сохта паспорти билан кириб келган эди.

• Косовода Россия ва АҚШ ҳарбий хизматчиларидан ташкил топган патруль ўққа тутилди.

• Ягона Европа валютаси — еврога ўтишга тайёргарлик кўраётган Германия банклари немисларга майда пулларни қайтаришни таклиф этди. Ҳозир 8 миллиард танга муомалада юрибди.

• Донецк вилоятидаги Киров номли шахтада метан портлаши оқибатида 8 нафар кончи ҳалок бўлди ва яна 2 киши бедарак йўқолди. Украина Президенти Леонид Кучма ҳалок бўлган кончиларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан фармойиш берди. Ушбу ёрдам дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, кончининг беш йил мобайнидаги маошига яқиндир.

• Туркия ҳуқуқ-тартибот органлари асосан Афғонистон, Ироқ ва Суриядан бўлган 500 нафар муҳожирлар бор бўлган кемани қўлга олдилар. Кема ичидагилар Туркия орқали Европа мамлакатларига ўтиш илинжида эдилар.

• Рим папаси ўзининг Сурияга ташрифи пайтида Дамашқдаги 40 минг кишилик стадионда диндорларга тинчлик ва тотувлик хусусида мурожаат қилди. Тарихда биринчи марта католик черковининг папаси мачитга ташриф буюрди.

• Ш. Басаев тўдаси жангарилари бир қишлоқда ёшларни жангарларига қўшилмасликка даъват этган муллани мачитнинг ўзида ўлдирдилар.

• Филиппин пойтахтида фавқулодда ҳолат бекор қилинганидан кейин Маниладаги савдо марказларидан бирида портлаш рўй берди. Портлаш оқибатида шикастланганлар бор.

• Мюнхенда ёққан кучли ёмғирлар Бавария пойтахтига катта зиён етказди.

• Экипаж таркибида биринчи америкалик космик сайёҳ Дэннис Тито бўлган «Союз ТМ-31» космик кемаси Қозоғистон ҳудудига муваффақиятли равишда қўнди. Бундан буён Тито зарур бўлган қийматдаги пулни тўлаб космосда бўлиш истагидаги кишиларни космик сайёҳлиги бўйича бизнесни ташкил этиш билан шуғулланиш режасидадир.

• Сибирлик олимлар инсон аъзосининг нима сабабдан қаришини тўлалигича очиб ташлаганликларини эълон қилдилар. Олимларнинг бу изланиши муваффақият қозонгудек бўлса инсоннинг ўртача умр кўриши 20 йилга чўзилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

# БЎЛАЖАК САЙЛОВЛАР — ЭЪТИБОРДА

**Олий Мажлисда 5 май куни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат муддати тугаётганлиги муносабати билан янги сайловлар шу йилнинг май-июнь ойларида ўтказилиши тайинланган. Олий Мажлис Кенгашининг шу масалага бағишланган қарори Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида бирмунча аввал эълон қилинган эди.**

Семинар-кенгаш ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ташкилий-кадрлар билан ишлаш гуруҳларининг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш комиссияларининг раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, бир қанча шаҳарча ва қишлоқ (овул), шунингдек Тошкент шаҳар маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг раислари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари раҳбарлари, Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Олий Мажлисдаги депутатлик фракциялари ва блоклари раҳбарлари, парламентда доимий асосда ишлаётган Олий Мажлис депутатлари ва Олий Мажлис Котибиятининг ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Марказий сайлов комиссияси, Конституциявий суд, Республика прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Молия, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Давлат мулк қўмитаси, давлат солиқ қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази вакиллари, Ўзбекистоннинг бир қанча жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари намояндалари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов семинар-кенгаш қатнашчилари олдида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги ўсиб бораётган роли ҳақида маъруза қилди. Маърузачи бўлғуси сайловларнинг улкан сиёсий ва ижтимоий аҳамиятини таъкидлаб, бу тадбирлар давлат ва ижтимоий ҳаётни янада эркинлаштириш, ўтказилаётган демократик ислоҳотларда фуқароларнинг фаоллигини ошириш учун зарур шароит яратиш йўлида муҳим босқич эканлигига алоҳида урғу берди.

Фуқаролар йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) ва улар маслаҳатчиларининг сайловлари том маънода демократик руҳда, муқобиллик асосида ўтиши жуда муҳимдир. Номзодларни кўрсатиш, овоз бериш ҳамда унинг якунларини чиқариш ошкора ўтиши ҳамда қонун ҳужжатларига ва демократик принципларга қатъий мувофиқ бўлиши лозим. Фуқаролар йиғинлари раислигига (оқсоқоллигига) ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, аҳоли ўртасида ҳақли равишда обрў ва ҳурмат қозонган, ҳалол, маълумотли кишиларни кўрсатиш зарур. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал эта билиш, одамлар билан иш олиб боришга ва уларни ўз ортидан эргаштира билишга тайёр туриш — номзодларнинг асосий фазилатлари бўлиб қолмоғи керак.

Семинар-кенгашда сўзга чиққанлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини мамлакат ҳаётида тутган ўрни ошиб бораётганлиги тўғрисида, фуқаролик жамияти қуриш шароитларида унинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурлиги, қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг иш билан таъминланишига кўмаклашиш ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг семинар-кенгаш қатнашчилари ўртасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколат доирасига кирадиган қатор масалалар юзасидан ўзаро суҳбатлар бўлиб ўтди.

# 9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни



Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## Тонгларимиз мунаввар энди

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида ўнлаб, юзлаб воқеаю воқеъликлар содир бўлади, аммо камдан ками эсда қолади. Эсда қоладиган ҳар бир воқеани воқеъликдан шахс, оила хотираси жамланиб жамоа, жамияту давлат аҳамиятига молик воқеълик мажмуаси — инсон хотираси қуймоқ бўлади. Бундай хотира тарих элагидан ўтиб, маънавий, виждоний мулкка айланиб қолади-да, замонлар оша сира унутилмас муқаддас — кучга айланади. 1945 йилнинг 9 Май куни ҳам унут бўлмас муқаддас инсон хотирасининг тожи бўлиб қолган.

Тоғ чўққиси ундан узоқлашганинг сари тобора баланд ва ҳайбатли бўлиб кўринганидай тарихий 9 Май санаси ҳам бизга баланд тоғлар янглиғ тобора улуғ, тобора бебаҳо бўлиб кўринмоқда. Нега? Бунинг боиси ва инсоният тақдирига қўшган ҳиссаси тўғрисида гапирмай иложим йўқ.

Инсоният ўзининг беш минг йиллик онгли ҳаёти даврида ўн тўрт минг марта қирғинбарот урушларга дучор бўлди. Бу босқинчилик, хунрезлик урушларида миллионлаб одамлар қирилди, не-не шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлди, бутун бошли давлатлар йўқ бўлиб кетди. Аммо инсоният ундан заррача ҳам наф кўргани йўқ. Иккинчи жаҳон уруши ўзининг кўлами, унда иштирок этган аскару қурол, ҳарбий техника жиҳатидан ўша ўн минг урушдан ҳам катта уруш бўлди, олтмиш миллион одам қурбон бўлди, аммо мантиқий якуни жиҳатдан ҳамма урушлардан юқори бўлди. Энг муҳими инсоният фашизм балосидан озод бўлди.

Бу урушда бир ярим миллион ўзбек йигит-қизи қатнашди. Ўнлаб ўзбек ўғлонлари Қаҳрамон олтин юлдузи олди, юз мингдан ортиқ киши орден ва медаллар билан тақдирланди. Етти юз мингга яқин ўғлонларимиз Россия, Украина, Польша ва Югославия ерларида, Германия тупроғида ер тишлаб ётибди. Уларни биз ҳар йили 9 Май куни хотирлаймиз, тош қабрларга гулчамбарлар қўямиз. Урушдан қайтган етти юз мингдан ортиқ фахрийлар бор эди. Улардан ҳозир етмиш мингга яқини ҳаёт. Улар тўрт ҳаёт, тўрт умр кўраётган табаррук одамлардирлар. Уларни ҳар қанча эъзозласак арзийди!

Урушда ишчи, деҳқонлар қаторида ўзбек ёзувчилари ҳам иштирок этдилар. Уруш қаҳрамонлари ҳақида романлар, қиссалар, пьеса ва кинофильмлар яратилди. Аммо биз ёзувчилар ўша фронтларда қурбон бўлганлар руҳи поки олдида ҳамон қарздормиз. Урушнинг нақадар фожеа экани, унинг оқибатлари ҳақида ҳалигача замонавий «Уруш ва Тинчлик» яратилгани йўқ.

Уруш тўғрисида ёзиш керакми? Шундай саволни баъзан айрим одамлардан эшитиб қоламиз. Ундай одамларга мен албатта ёзиш керак, аввалгидан кўра яхшироқ, мукаммалроқ ёзиш керак, дейман. Нега, деб сўрасалар, мен бунинг боисини ҳам айтаман. Боиси шундаки, аввало урушдан кейинги ёшлар унинг тафсилотини, даҳшатию оқибатини унча яхши билмайдилар. Уруш келтирган вайроналик, қирғинлик офатини, халқларнинг фашизм балосига қарши кўрсатган бениҳоя мардлик, паҳлавонлик жасоратини тўла кўз олдига келтира олмайдилар. Уларга уруш ҳақиқатини рўйрост гапириб бериш адабиётнинг жонажон вазифаси!

Қолаверса, Ғарбдаги айрим сиёсатдонлар иккинчи жаҳон урушидаги бизнинг бениҳоя катта ўрнимизни камситиб кўрсатмоқдалар ва бу уруш сабоқларини унутиб қўймоқдалар. Биз, жанг кўрган одамлар уруш нималигини яхши биламиз. Айниқса, ядро уруши нималарга олиб келишини биламиз. Урушнинг бети қурсин!

**БИР САВОЛГА УЧ ЖАВОБ**

## ФАХРИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛАДИ

**Юртимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлари доимо эъзозлаб келинади. Айниқса Хотира ва Қадрлаш байрамида уларга алоҳида меҳр ва мурувват кўрсатилади. Биз кутлуғ байрам арафасида пойтахт Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари шаҳар бўлимининг мутасаддилари билан учрашиб Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ушбу ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар тўғрисида суҳбатлашдик.**

**• Ҳикматилла ШУКУРОВ, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:**

— Фахрийлар доимо уйимиз тўрида, қалбимиз қўридадир. Мана, Хотира ва Қадрлаш байрами арафасида давлатимизнинг уруш фахрийларига кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодаси сифатида Вазирлар Маҳкамасининг «II жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори ва унинг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш тўғрисида»ги буйруғи чиқди.

Ушбу қарор ва буйруқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бош бошқармамиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳримизда тезкор тарзда 3152 нафар II жаҳон уруши ногиронлари, 4156 та уруш қатнашчилари, 178 нафар уруш вақтида тутқунликда бўлганлар ва 100 нафар Ленинград қамалида бўлган кишилар истиқомат қилиши аниқланди ва давлат томонидан ажратилган 45 миллион 516 минг сўмлик пул мукофотларини ўз эгаларига тантанали равишда топшириш ишларини амалга оширяпмиз.

Бош бошқармамиз захирасида мавжуд бўлган барча ногиронлик аравачалари, қўлтиқтаёқлар, ҳассалар ва эшитиш мосламалари ҳам байрам арафасида ушбу анжомларга муҳтож уруш фахрийлари ва ногиронларига топширилади.

**• Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ва Оқсоқоллар Кенгашининг раиси:**

— Хотира ва Қадрлаш байрамига шаҳримиз маҳаллаларида ҳам қизғин тайёргарлик кўрилди. Ўтган шанба ва якшанба кунлари барча маҳаллалар ҳудудида ободонлаштириш, орасталаш ишлари ташкил этилди. Ҳамма қабристонлар, зиёратгоҳлар, ёдгорликлар ўрнатилган жойларда ҳашарлар ташкил этилиб тартибга келтирилди.

6-9 май кунлари шаҳримиздаги барча 445 та маҳаллаларда туман ҳокимликлари, туманлардаги «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда уруш фахрийлари, фронт ортида меҳнат қилганлар учун байрам дастурхонлари ёзилиб, эл ардоғидаги санъаткорлар улар хизматида бўлишади, ҳалим, сумалак, ош каби тансиқ таомлар тортилади.

Бундан ташқари туман ҳокимликлари «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари саъй-ҳаракатлари билан ҳамма 11 та туманлардаги йирик маҳаллалар гузарларида ҳам байрам дастурхонлари тузалиб, йиғилганларга совға-саломлар топширилади. Фронтда қолиб кетган, бедарак йўқолган, вафот этган уруш қатнашчиларининг кам таъминланган оилаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

9 май куни шаҳримиз маҳаллалари фаоллари, оқсоқоллари Хотира мажмуидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига, Биродарлик қабристонига ўтганлар хотирасини ёдга олган ҳолда гулдасталар қўйишади.

**• Маҳамаджон ЗУФАРОВ, «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси:**

— Жамғармамизнинг номидан ҳам фаолият йўналишимизнинг моҳияти сезилиб турибди, бинобарин нуронийлар, кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларини доимий тарзда эъзозлаб, уларга меҳр-саховат кўрсатиб келиш асосий вазифамиздир.

Байрам арафасида биринчи ишни II жаҳон уруши қатнашчиларининг рўйхатини янгилашдан бошладик. Бунда шаҳримизда 221 нафар бутунлай ётиб қолган, ёрдамга муҳтож уруш ногиронлари мавжудлиги маълум бўлди. Уларнинг барчасини бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда байрам совғалари билан уйларига бориб йўқлашга қарор қилдик. Жумладан, шулардан 55 нафарини шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, 33 тасини «Ватанпарвар» ташкилоти, 22 нафарини «Олтин мерос» жамғармаси, 10 нафарини «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси, 33 нафарини Республика «Нуроний» жамғармаси, 10 тасини шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, йигирмага яқинини эса ўзимиз йўқлашга келишиб олдик.

Шунингдек, 4 май кунидан бошлаб шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳамма уруш қатнашчиларини қамраган ҳолда туман марказларида байрам дастурхонлари ёзилмоқда.

Амалга оширган хайрли ишларимиздан яна бири шундан иборат бўлдики, шаҳар чақириқ пунктида 150 нафар Қуролли Кучларимиз сафларига чақирилувчилар билан учрашув ташкил этдик. Унда уруш фахрийси Мадамин ҳожи Ҳасанов, «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳри ва вилояти бўлимининг бошлиғи Назир Ризаметов, шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадойбоевлар ҳеч қачон урушлар қайтарилмаслиги, мамлакатимизда тинчликосойишталик ҳукм суриши учун ёшларимизга ватанпарвар, юртга фидойи шахслар бўлишлари юзасидан маслаҳатлар бердилар.

Ўтган куни бир гуруҳ уруш қатнашчилари Самарқанддаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиб қайтишди. Кеча эса Ўзбекистон Қуролли кучлари музейига экскурсия уюштирдик. Шанба, якшанба кунлари ва бугун шаҳримизнинг айрим туманларида истиқомат қилувчи уруш қатнашчиларини янги қурилаётган иншоотлар билан таништириш ишлари амалга оширилмоқда.

**Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди.**

*ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...*

## САДОҚАТЛИ ИЖОДКОР

***Тўғриликка агар***
***қилсанг хиёнат,***
***Билки, сендан кетди***
***соғлиқ ва омад.***
***ШУҲРАТ***

Шуҳратни ёшликдан яхши билган биз қатори дўст-биродарлар шуни бир оғиздан тасдиқлайдиларки, у, аввало тўғри сўз, ҳаётда ўзини, иззат-нафсини теран англаган, ижодий фаолиятида ҳам унга риоя қилган Шахс эди. Одатда бундай Шахслар — биринчи навбатда ўз ишларига ғоят масъулият билан қарайдилар, иложи борича воқеа-ҳодисаларга холис ёндошишга ҳаракат қиладилар, ҳар қандай муаммонинг ечимига — мустақил фикр-мулоҳаза билан аниқ муносабатларини яширмай очиқ баён қиладилар. Шу феъл-атворлари туфайли қийинчиликларга, тўсиқларга кўпроқ дуч келадилар, ҳаммасини мустаҳкам ирода билан, ҳалол меҳнатлари билан енгиб ўтишга интиладилар. Бундай Шахсларни «бир сўзли» деган нақл билан изоҳлаш халқимизга одат бўлиб кетган...

Камина мазкур мақолани ёзишга тайёргарлик кўриб юрган кунларим «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Ёзувчи шахси. Нега шу ҳақда гаплашмаймиз?» мавзуидаги мақоласини ўқиб қолдим. Муаллифнинг кичик бир мақолада катта мавзуни кўтариб чиққани, ижодкорлар эътиборини кўпроқ ёзувчи тафаккурига жалб этишга интилгани маъқул бўлди. Камина бу мавзуда гарчи махсус бирор нарса ёзмаган бўлсада, XX аср бошларидаги буюк адибларимиз ҳаёти ва ижодий фаолиятларига оид ишларимизда йўл-йўлакай тўхтаб ўтганларимизни кузатиб юрганлар билишади. Зеро, ёзувчи қайси даврда яшаб, қайси Эл, қайси Миллатга мансуб бўлмасин, ўз даврининг энг илғор ғояларини улуғласа, воқеа-ҳодисаларга тўғри муносабат билдиришга интилса, унинг тарихдаги ўрни, замондаги мавқеи худди шу билан белгиланади, баҳоланади. Яна шуниси борки, мазкур баҳо ва белгидан унинг тафаккури келиб чиқадики, уни ҳеч ким бузиб кўрсатолмайди, чунки бу — тарих ҳукми бўлиб қолади...

Шу ўринда Шуҳрат ҳаётидаги бир лавҳани эслаб ўтиш жоиз кўринади: 1968 йил 22 май куни адабиётшунос олим Шариф Юсупов номзодлик диссертациясини ёқлади-да, Тошкент шаҳридаги 1-касалхона биносига яқин кўчадаги уйда зиёфат берди. Ёр-биродарлар, ака-ука Шоқосим акалардан иборат бир гуруҳ атоқли санъаткорлар ҳам бор, ўтириш жуда кўнгилли давом этарди. Кечқурун, авжга чиққан базмда мен дўстим Хибзиддин ва бошқалар билан ўтирардик. Эшикдан Абдулла Ўразаев кириб келиб тўғри бизнинг ёнимизга ўтирди. Шу кезларда Абдулла Ўразаев Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб лавозимида ишларди. Бир дам ўтар-ўтмас, Абдулла ака бизга шивирлади: «Мен ҳозир Шуҳратни олиб кетгани келдим. Самолётга билет ҳам бор. Ҳозир Москвага учиши керак. Абдулла Қаҳҳор Москва касалхонасида оғирлашиб қолибди. Кибриёхон телефон қилди. Шуҳратга айтадиган гапим бор, дебди».

Шу вақтда Шуҳрат ўтиришни бошқариб турган, ўзи ўтирмас, ҳар кимларга сўз бериш, адабий ҳаётимиз, санъаткорлар дегандай ишлар билан овора... Хуллас, кўп ўтмай Абдулла ака Шуҳратни бошлаб кетди. Бизнинг кўнглимиз бир хира тортдики, фақат ўзаро шивирлашиб, Абдулла Қаҳҳордан хавотирлигимизни айтишардик... Уни Москвага — Кремль касалхонасига ётқизамиз деб, хароб бир касалхонага ётқизилгани, кираверишда «Нарсаларингизни йўқотсангиз, касалхона жавобгар эмас» деган ёзувга кўзи тушиши билан Абдулла Қаҳҳор не ҳолга тушганини Кибриё опа бизларга сўзлаб берган эди... Буларни эслаш нега керак дерсиз? Назаримизда минг марта эслаб туриш шарт. Мустақиллик нималар ҳисобига келганини доим идрок этиш, кузатиш, эсда тутиш лозим эмасми? Албатта лозим. Шу ўринда эътибор қилинг: нега Абдулла Қаҳҳор юзлаб ёзувчилар орасидан Шуҳратни танлаб, унга васиятини айтишга қарор қилган экан? Ахир ўша вақтда қанчадан-қанча унвон-у имтиёзларга тўла кимсалар озми эди?.. Ҳамма гап шунда, Абдулла Қаҳҳорнинг дўстлари ҳам, рақиблари ҳам яхши билардиларки, у ҳамиша Чўлпон тасвиридаги «Йўқ ишим ҳоким, амалдор, шоҳу — ҳоқонлар билан, Биргадурман доимо ҳамдард бўлганлар билан» тарзида яшарди. Унинг назари тушган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Учқун Назаров, Шукур Холмирзаевларнинг ижодий ютуқлари маълум, уларни «Абдулла ака йўргаклаб олган» деган иборани кўпчилик билади...

Тўғрисўзлик, билиб гапириш, айниқса журъат ва ҳалолликда ўзига маъқул кўриб Шуҳратга энг сўнги гапларини — васиятларини лозим кўргани беҳуда эмасди. Аслида ҳам шундай бўлди. А. Қаҳҳор вафотидан кейин Шуҳрат унинг «Мен ҳеч кимга ёмонлик қилган эмасман. Нима қилган ва нима деган бўлсам, адабиётимиз тақдирини ўйлаб қилдим» маъносидаги васиятномасини «Гулистон» журналида эълон қилди-ю балога қолди. Худди шу замонларда дунёнинг турли ҳудудларида ҳокимият учун курашаётган гуруҳлар ҳар баҳона билан «ана пайти келди» деб қўйниларида асраб юрган тошларини отиб қолаётганларига ўхшаб, Шуҳратга ҳам, А. Қаҳҳорга ҳам баробар яна фитналарини авжга чиқардилар... Ўйлаб қаранг, иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, жанг майдонларидаги вазиятларда қанчадан-қанча шеърлар ва «Шинелли йиллар» номли катта бир романни ёзиб келган Шуҳрат авжи ёши ҳам, ижоди ҳам етилган вақтда — 50-йилларда «халқ душмани» деган лаънати тамға билан қамалса, 25 йилга кесилса-да, Сталин вафотидан кейин қутулиб келиб, яна тазйиққа учраса...

Минглаб сатрлар шеърлар, достонлар, балладалар, «Беш кунлик куёв», «Она қизим» номли саҳна асарлари билан бирга «Олтин зангламас», «Жаннат қидирганлар» романлари билан ўзбек адабиёти тарихида салмоқли ўринлардан бирини олган шоир, адиб, драматург Шуҳрат хотирасини Истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида эслашимизнинг боиси шундаки, унинг босиб ўтган зиддиятли ижод ва ҳаёт йўлини бир зум тасаввур этсак, шундай манзаралар кўз олдимизга келади: Шуҳрат ҳамиша Ватаним, халқим деб ёниб яшаган ҳалол ижодкорлар сирасига киради. Ўша вақтлар жаҳаннам мафкурани қурол қилиб энг ҳалол зиёлилар бошига етганлар Шуҳратга ҳам фитна қилдилар. Эсимда бор, «Шинелли йиллар» кўплаб рус ва хориж тилларида ҳам чиқиб кетди. Бу ҳол ғаламисларнинг бахиллигини қўзғатди. «Олтин зангламас», «Жаннат қидирганлар» романлари устида қаттиқ тортишувлар бўлди, буни адабий жамоатчилик билади. Аммо гап шундаки, унинг рақиблари фитна қилган ўша романлар Шуҳрат — адиб шуҳратини янада кучайтириб юборди...

Энди Шуҳратнинг кейинги икки катта романи — «Олтин зангламас» билан «Жаннат қидирганлар» ҳақида икки оғиз сўз.

Шуҳрат ўз фикри, қалби амрига ўта ишонадиган, унга содиқ қолган Шахс ва адибдир. У ҳеч қачон «ҳар мақомга йўрғалаган» эмас. «Олтин зангламас» нашр этилиши билан китобхонлар эътиборига тушди, ҳурмат қозонди, ўша вақтдаги ўнлаб адабиётшунослар у ҳақда мақолалар ёзди. Камина энг охирида кўплар билан баҳслашиб бир мақола билан чиқдим... Гап шундаки, «Олтин зангламас»нинг бош қаҳрамони айни Шуҳратнинг ўзи эди. Номи Содиқ. Имон-иродаси маҳкам. Мақсадига ишонади ва ундан ҳеч чекинмайди.

«Жаннат қидирганлар» романи айни «Олтин зангламас»нинг мантиқий давоми сифатида тезда пайдо бўлди. Унда ўша коммунистик қатағонлардан қочиб хорижга кетган ватандошларимиз ҳаёти — ўша давр мафкураси нуқтаи назаридан ёритилади. Ватанни тарк этганлар — ўзлиги, миллий хусусиятларини йўқотиб, оврўполашиб кетишлари-ю Ўзбекистондек жаннатмаконни тарк этишлари қаттиқ қораланади. Бусиз асар нашр ҳам этилмасди.

Хуллас, Шуҳрат ўз даври руҳини бузмасдан-ёрмасдан куйлаган шоир, адиб, драматург — халқона, садоқатли ижод соҳиби сифатида тарихимизда, одамлар қалбида доим ҳурмат билан сақланиб қолади...

**Аҳмад АЛИЕВ**



Адиб рафиқаси Турсуной ая ва қизи Зебохон билан.

**МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР**

## Умр мазмуни

**Инсон туғилади, камолга етади ва ниҳоят вафот этади. Ҳаётнинг оддий бу қонунини ҳали ҳеч ким четлаб ўтолган эмас. Боқий ҳаётнинг икки эшик орасига қиёсланиши ҳам мана шундан. Чиндан ҳам вақт оқар дарё. Умр ўткинчи. Унинг мазмуни эса инсоннинг қанча яшагани билан эмас, балки ундан қолган комил фарзандлар ва яхши хотиралар билан ўлчанади. Фарзанд умр давомчиси. Хотира эса инсондан қолган эсдалик, энг яхши ёдгорлик.**



Диққатингизга ҳавола этилаётган мана бу суратга тикила туриб беихтиёр хаёлимиздан мана шундай фикрлар кечди. Суратнинг яна бир аҳамияти шундаки масалан, тўсатдан сиздан «Фалон йилнинг, фалон кунида қаерда ёки қандай кайфиятда эдингиз» деб сўраб қолишса табиийки ўша дамдаги ҳолатингизни эслашингиз қийин. Лекин шундай савол, қоғозга муҳрланган расмингиз вақти билан ўлчанса албатта сиз ўша вақтни, ўша ҳолатни, ҳатто дақиқаю сонияларигача аниқ тасвирлаб бераоласиз. Демак, сурат ҳам ўз ҳолича бир тарих, инсондан қолган яхши бир хотира экан.

Убайдуллаевлар оиласи ота-оналарининг яхши кунлари тасвирланган мана бу суратни улардан қолган яхши хотира, нурли ёдгорлик сифатида ардоқлаб, эъзозлашларининг ҳам боиси шунда. Ниғматилла ота Матлуба она оддий, лекин мазмунли умр кечиришди. Оилада тўрт қиз ва уч ўғилни тарбиялаб вояга етказишди. Бугун улар ота-она чироғини ёқиб турли касбларда Ватанимиз хизматига камарбасталик қилишмоқда.

Оила бошлиғи Ниғматилла аканинг бутун иш фаолияти Ўрта Осиё темир йўли билан боғлиқ. Ҳатто у 1941 йилда урушга кетиб, орадан уч йил ўтиб ярадор бўлиб қайтганидан кейин ҳам уйда тиниб-тинчиб ўтиролмади. Ўзининг севимли касбини қўмсади. Жароҳати битиб бироз тетиклашгач қадрдон корхонасига борди. Орадан неча йиллар ўтиб то қарилик пенсиясига чиққунча севимли касбини тарк этмади, ҳалол ишлаб бир неча шогирдлар орттирди. 1980 йилда касбдошлари уни меҳнат таътилига кузатишди... Матлуба ая бутун умрини фарзандларни камолга етказишга бағишлади.

Бугун гарчи Ниғматилла ота ва Матлуба оналар орамизда йўқ бўлсаларда, уларнинг фарзандлари волидаи муҳтарамалари ва падари бузрукворларини энг яхши хотиралар билан эслашади. Оила аъзолари, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар бир пиёла чой устида ўтганлар хотирасини ёдга олишади.

**Маҳмуд ОРИФЖОНОВ**

***СУРАТДА: Ниғматилла ота ва Матлуба она Убайдуллаевлар. (Сурат 1986 йилда олинган).***

**НАЗМ**

## Яхшиларни ёд этиб...

**Яхшиларни ёд этиб, садоқатни куйлайлик,**
**Руҳларини шод айлаб, саодатни куйлайлик.**

**Меҳнатларин роҳатин бизга ҳадя этдилар.**
**Азиз қилиб номларин, рост раҳматни куйлайлик.**

**Битталаб эккан ниҳол боғларни бунёд этди,**
**Ҳимматлари қолдирган саховатни куйлайлик.**

**Ҳақ йўлида ким чекса, ҳақиқат деб озорлар,**
**Ором топган озори, ҳам роҳатни куйлайлик.**

**Илм йўлида тортган заҳматлари бир ёнда,**
**Бир ёнда авлод ғами — адолатни куйлайлик.**

**Боболар орзу қилган даврон келди, қадрин бил.**
**Орзулари қолган сир-синоатни куйлайлик.**

**Авлодлари бахти-чун қўйдилар нур-пойдевор,**
**Мустақиллик аталмиш шарофатни куйлайлик.**

**Тош деворга битилди, боболарнинг номлари**
**Зарҳал ҳарф ортида шижоатни куйлайлик.**

**Хотирага михланган яхшиларнинг ишлари,**
**Ўчмагай қалбимиздан шафоатни куйлайлик.**

**Орамизда ўрин йўқ разолатга, кулфатга**
**Қувноқ куйлар янграсин, ҳақиқатни куйлайлик.**

**Нурамас ҳайкал қурдим яхшиларга сўзлардан,**
**Кел энди, Машраб бирга оқибатни куйлайлик.**

**Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА**

## Юрт соғинчи дилида эди

**Шу фаровон, тинч, дориломон кунларга етишишимиз учун курашларда қон тўкиб, азиз ва муқаддас она-Ватан учун жонларини фидо қилган табаррук отахонларимиз билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсак, албатта уруш хотираларини ёдга оладилар. Яқинда мана шундай уруш қатнашчиларидан бири Саидакром Қориев билан суҳбатлашдик.**

— Урушнинг номи ўчсин, — дея уруш хотираларини бир-бир эсга олди Саидакром ака. — Ҳалигача уруш ҳақида гап очилса, юрагимда оғриқ туради, кўз олдимда унинг даҳшатлари намоён бўлади. У кунларни ҳеч унутиб бўлмайди. 17 ёшимда кўплар қатори мен ҳам урушга бордим... Бир неча бор яраландим. Қўлимда қурол билан жангларда юрганимда қалбимда фақат юрт соғинчи, ўз уйим, отам-онам, жигарларим, маҳаллам кўз олдимда бўлди. Хаёлимда тезроқ жанглар тугаса-ю душманни ер билан яксон қилиб, ғалабага эришсак, деган орзу-мақсад билан яшардик.

Даҳшатли жанглар ҳамон кўз ўнгимда. Ҳафталаб нон емасдик, очликдан силламиз қуриса ҳам фақат олдинга интилиб, Ватанимиз ҳимоясига отланганмиз. Атрофимиз фақат ўрмону ботқоқликлардан иборат бўларди. Қаттиқ жангларда қанчадан қанча жонажон қуролдош дўстларимиздан ажралдик. Эҳ, қандай ажойиб инсонлар бор эди орамизда. Жасоратли, мард йигитлар афсус, жуда навқирон ёшда қурбон бўлдилар. Уларнинг номларини асло унутмаслигимиз керак.

Мана, Юртбошимиз томонидан 9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни деб номланди. Минглаб бедарак йўқолган ватандошларимизнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан Хотира китобларига битилди. Бундай улуғ ва савоб ишларга бош-қош бўлаётган, ғамхўр Юртбошимизга минг раҳмат. Ҳақиқатан, урушда қурбон бўлган азиз инсонлар хотирасини ёд олиш, эъзозлаш керак. Мана шу ёруғ ва бахтиёр замонамиз, саодатли кунларимиз учун курашган инсонлар хотирасини келажак авлод ҳам унутмаслиги лозим.

Ҳозирги тинч, фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин илоҳим. Ёшларимиз нақадар бахтиёр. Чунки мамлакатимизда ёшларга эътибор кучли. Уларнинг ўқишлари, хоҳлаган касбларида меҳнат қилишлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Саодатли кунларимизга шукроналар айтишимиз, бу кунларнинг қадрига етишимиз керак.

Саидакром ака урушдан сўнг соғ-омон оиласи бағрига қайтгач заводда ишлаб, ўша вақтдаги Тошкент халқ хўжалиги институтига кириб ўқиди. Сўнг аспирантурани ҳам тамомлаб, кўп йиллар Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ассистент, катта ўқитувчи, кафедра мудири лавозимларида ишлаб, талабаларга иқтисод фанидан сабоқ берди.

Иқтисод фанлари номзоди Саидакром Қориев ҳозир ҳам тинчимайди. У Ўзбекистон Миллий университети қошидаги олий педагогика институтида Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти



кафедрасида иқтисодиёт назарияси ва халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича тингловчиларга дарс бериб келмоқда.

Ҳа, Саидакром Қориев сингари тиниб-тинчимас, тинчлигимиз учун курашган табаррук отахонларимиз доимо соғ-омон бўлиб давраларимизга, хонадонларимизга файз, қуёшдек нур сочиб юришаверсин.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Маънавиятимиз сарчашмалари*

# ЎЗЛИКНИ АНГЛАМОҚ — КАМОЛОТ МЕЗОНИ

Маънавиятсиз келажак йўқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда, хусусан пойтахтимизда бу масалага алоҳида эътибор бериб келинади. Маънавий-маърифий соҳада салмоқли тажриба тўплангани маълум. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши раисининг ўринбосари Рихситилла Акромов билан суҳбатимиз шу хусусда боради.

**— Ҳурматли Рихситилла Жўраевич, бугун жамиятимизда улкан ўзгаришлар, янгиланишлар кечмоқда, айниқса, маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар жараёни катта аҳамият касб этмоқда. Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши раисининг ўринбосари сифатида мазкур жараёнлар ҳақида нималар дея оласиз?**

— Мустақилликдан сўнг жамиятда биринчи навбатда мафкуравий ўзгаришлар юзага келиши табиий эди. Тоталитар тузумнинг буйруқбозлик ва расмиятчилик каби иллатларга ўралган тизимидан ҳуқуқий-демократик тамойилларга асосланган эркин фуқаролик жамияти сари бориш асосий вазифа этиб қўйилди. Таъкидлаш лозимки, жамиятда мафкуравий янгиланиш, маънавий-маърифий ислоҳотлар ҳали Мустақиллик қўлга киритилмасдан ҳам аввал бошланган эди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганида, миллий қадриятларимиздан бўлган Наврўз айёмининг умумхалқ байрами сифатида тиклангани, ҳайит байрами дам олиш куни деб эълон қилинганида ҳали республикамиз мустақилликка эришмаганди. Демак, миллий ўзликка қайтиш ва диний қадриятларнинг тикланиш жараёнини замон тақозо қилиб қўйган эди. Аммо, бу тақозолик замирида журъат, том маънодаги Юртбошимизнинг ташаббуслари борлигини унутмаслигимиз керак.

Инсонда шундай туйғулар бўладики, уларни ҳеч қандай тазйиқ билан унинг қалбидан чиқариб ташлаб бўлмайди. Ота-онага, фарзандларга бўлган муҳаббат, инсоннинг эътиқоди, миллатпарварлик, Ватан равнақи йўлида жон куйдириш каби туйғулар шулар жумласидандир. Шу сабабдан ҳам 70 йиллик истибдод бу туйғуларни томири билан суғуриб ташлай олмади. Таъбир жоиз бўлса, дарё ўзанини йўқотса, бошқа бир ўзан топиб, барибир оқаверади. Мустақиллик эса ана шу азалий ўзанларнинг очилишига сабаб бўлди. Бугун жамиятда кечаётган ислоҳотларнинг бош асоси ана шу буюк неъмат — Мустақилликдир.

Кўпчиликка аён, ҳар бир жамиятнинг ўз олдига қўйган улкан мақсадлари бўлади. Биз нурли истиқболга эга буюк давлат қуришни мақсад қилиб қўйганмиз. Халқни ана шу мақсад сари етаклаш ва унинг бунёдкорлик кучини бирлаштириш эса жамият маънавиятига боғлиқ. Шу сабабдан истиқлолимизнинг илк дамлариданоқ жамиятимиз маънавий ҳаётида туб ислоҳотлар ясалди. Бу борада Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниб, ҳаётда ўз тадбиқини топди. Ана шундай ҳужжатлардан бири ёдингизда бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил сентябрь ойидаги Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони эди. Бунгача вилоят ҳамда Республика Маънавият ва маърифат Кенгашлари ташаббускор гуруҳларининг таъсис конференциялари ўтказилиб, Кенгаш низоми ва дастури тасдиқланди. Фармон асосида эса Кенгашнинг тўлақонли фаолият юритиши учун қонуний асос яратилди.

Ушбу фармон асосида маънавий-маърифий ислоҳотлар кенг кўламда олиб борила бошланди. Аммо ҳаёт олдимизга яна янги муаммоларни қўйди. Жумладан, тарғибот-ташвиқот ишларида қамров масаласига эътибор қилинг-а. Биз кейинги икки йил давомида бу борада олиб борилган ишларни таҳлил қилар эканмиз, жуда катта кўламда иш олиб борилганига амин бўлдик. Бироқ, бу амалий ишларнинг самарадорлиги бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги ҳам маълум бўлди. Қаердадир кимларгадир етиб борилмаётгани, жамиятимиздаги долзарб муаммолар билан аҳолини тўлиқ хабардор этишда оқсашлик борлиги сезилди.

Ушбу таҳлиллар асосида шаҳримиздаги маънавий-маърифий тарғибот тизимини янгича услубда ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Бу жараёнда соҳа мутасаддилари, мутахассислар, амалиётчиларнинг таклифларидан кенг фойдаланилди. Шаҳар ҳокими маҳкамаси йиғилишида ушбу янги тизим атрофлича муҳокама этилди. Кўтарилаётган муаммонинг нақадар долзарб ва кечиктириб бўлмас қирраларини инобатга олиб, шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида маънавий-маърифий тарғибот ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳозир ушбу қарор асосида кенг кўламда ишлар бошлаб юборилган.

**— Ушбу қарор аввал мавжуд бўлган тизимга қай жиҳатлари билан янгилик киритди? Шу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз...**

— Шу вақтгача амалда бўлган маънавий-маърифий ишларда бир неча муаммолар вужудга келганди. Жумладан, ҳали айтганимдек, ўтказилаётган тадбирларда кенг оммани жалб эта олишда камчиликлар бор эди. Бу борада айниқса, ишлаб чиқариш корхоналари ходимларига етиб бориш, тадбирлардаги анъанавийлик ва расмиятчиликларга чек қўйиш, мавжуд бўлган кенг миқёсдаги мутахассислар имкониятидан унумли фойдаланиш, корхона ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишларини мувофиқлаштириб бориш каби масалалар билан боғлиқ бир қатор муаммолар бор эди. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ўзига хос монеликлар мавжуд эди.

Маънавият ва маърифат шаҳар марказида тўрт, туманларда эса биттадан ходим билан қўйилган вазифаларни тўлиқ бажара олиш маҳол эди. Шунингдек, тарғибот ишларини замон талаблари даражасида амалга ошириш учун шаҳар ва туманлар бўлимларида оргтехника ва ёзув-чизув ашёларининг етишмаслиги, услубий қўлланмалар, воизга ёрдам туркумидаги қўлланмалар чоп этиш ҳамда тарғиботчилар сафини доимий кенгайтириб бориш мақсадида малака ошириш курсларини ташкил этиш учун лозим бўлган маблағ йўқлиги бу борадаги ишлар кўламини чегаралаб қўйганди.

Эндиликда маънавият ва маърифат марказлари муайян миқдорда штат бирликлари билан таъминланадиган бўлди. Биз бу соҳада энг аввало фидойи кадрларнинг фаолият кўрсатишини истардик. Эл дардига дармон бўладиган, миллатпарвар, халқнинг оғирини ўзида ҳис қила оладиган, маърифат етказиш йўлида доимий изланиб, ташаббускорлик билан ишловчи ёш кадрларни жалб қилишга киришдик.

Қарор асосида Тошкент шаҳрида маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш тизимига барча мутасадди раҳбарлар жалб этилди. Уларнинг халқ билан янада яқинлашуви жойлардаги муаммолар ечимини топишда катта аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳридаги барча корхона, идора, муассаса ва маҳаллалар раҳбарлари жойларда долзарб мавзуларда мунтазам тарғибот ва ташвиқот ишларининг олиб борилишини таъминлайдиган бўлди. Бу аҳоли онгида миллий истиқлол ғоясининг чуқур илдиз отиши, ёшларнинг Ватанга, элу юртга садоқат руҳида камол топишларига муайян имконият яратади.

Шаҳар миқёсида кенг кўламдаги маърифий ишларни амалга ошириш учун тарғиботчилар сафини кенгайтириб бориш, улар сафига иқтидорли ёшларни жалб этиш мақсадида малака ошириш курслари ташкил этиладиган бўлди.

Бугунги кунда долзарб бўлган мавзуларда маъруза матнлари ишлаб чиқиш ва уларни лозим миқдорда чоп этиш масаласи ҳал этилди.

Маънавият ва маърифат шаҳар ва туман бўлимлари зарур штат бирликлари, қўшимча хоналар ва бошқа керакли ашёлар билан таъминландилар.

Қарорнинг жойларда тўлиқ ижроси таъминланиши ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари асосида шакллантириш, жамиятда илдиз отиш эҳтимоли бўлган диний экстремизм, гиёвандлик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик каби иллатларга қарши курашда ўзига хос аҳамият касб этади. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалий тадбиқи, келажаги буюк давлат пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилувчи кадрларни тарбиялашда ҳам ижобий самаралар беради. Бундан ташқари жамиятда кечаётган ислоҳотлар жараёнига кенг жамоатчиликни жалб этишнинг янги қирралари очилади.

**— Қарорда мутасадди раҳбарлар, жумладан, шаҳар ҳокими ўринбосарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, бошқарма бошлиқларининг жойларда ўтадиган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларида иштирок этишлари кўзда тутилганини таъкидладингиз. Бунинг мақсад ва самараси ҳақидаги фикрингиз.**

— Аввало самара бериш масаласига тўхталсак. Инсон хайрли ишга қўл урар экан, ундан фақат яхши натижа кутади. Аммо, ундан кўзланган мақсад қай даражада амалга ошади, буни вақт кўрсатади. Биз ҳам бу масалани атрофлича ўргандик. Тўғри, мутасадди раҳбарларнинг ўз йўналишлари бўйича фаолият доиралари кенг. Улардан бирон соатга ажралиб, мазкур тарғибот ишларида иштирок этиш вақт талаб қилади. Лекин, даврнинг ўзи бугун биздан шуни талаб қилмоқда. Маънавий-маърифий тарғибот учун кетадиган маблағ ёки сарфланадиган вақтни бошқа соҳага йўналтириш айни ўша соҳалар учун муаммо туғдириши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасини олайлик. Агар шу соҳа вакилларининг маънавиятида кемтиклик бўлса биринчи бўлиб, айни ана шу соҳага зарар келтириши аниқ. Бундан ташқари биз бугун улғайиб келаётган авлоднинг фикрий доираси ҳақида қайғурмасак, бегона ғояларни тарғиб этувчи — «қайғурадиганлар» пайдо бўлиши аниқ. Чунки, инсон маънавиятсиз яшай олмайди. Инсон маънавиятининг нима асосда шаклланганига қараб, унинг фаолият доираси аниқлашади. Бу жараёндан кўзланган мақсад ҳам аҳоли орасига янада яқинроқ кириб бориш, ҳоким ёки ҳоким ўринбосарлари халқ орасида улар билан бир даврада замоннинг энг долзарб муаммолари устида бош қотирса, иложи борича, шу мавзуга алоқадор масалаларда ўз фикрини билдира олса, аҳолини безовта қилаётган бугунги кундаги муаммолардан хабардор бўлиш, уларнинг ечимини топиш имконияти янада кенгаяди деган фикрдаман.

**— Бугунги кунда маънавий-маърифий тарғибот масалалари диққат марказида турган муаммолар нималардан иборат?**

— Муаммо йўқ деб айтиб бўлмайди. Юқорида тилга олинган қарор агар жойларда ўз ижросини тўлиқ топа олса, энг асосий муаммолар ҳал этилган бўларди.

Бу борада айниқса ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Бугунги ёшларимиз маънавияти юксак, билимдон йигит-қизлар. Бироқ гурунч курмаксиз бўлмас экан-да. Мен бу масалани ўртага ташлар эканман, ёшларимизнинг ҳар тарафлама етук камол топишида биз катталарнинг таъсири кўпроқ эканлигига эътибор қаратишни истардим. Тарбия, одоб-ахлоқ борасидаги салбий ҳолатларда айрим ота-оналарнинг «хизматлари» ҳам бор. Миллатимизда қадимдан фарзандларни тўғрилик, ҳалоллик, фидойиликка ўргатиб вояга етказиш анъанаси мавжуд бўлиб келган. Бугунги кунда баъзи оилаларда тирикчилик дарди билан бўлиб, болалар тарбиясига етарли аҳамият бермаётгани ёмон асоратларга олиб келиши мумкин.

Фарзанд тарбиясига беэътиборлик, таъбир жоиз бўлса, миллатга хиёнатдир, деган бўлардим. Чунки бизнинг нурафшон келажагимиз мана шу фарзандларимиз қўлида. Президентимиз айтганларидек, «Жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш — келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир». Бу масалага айрим ҳолларда асрлар давомида шаклланган миллий анъаналаримиз асосида ёндошилмаётгани ёшларнинг тарбиясида бироз оқсашлик юз бериб, уларнинг айримларида фикран адашиш ҳолатлари вужудга келди. Баъзи ёшларимизнинг мутаассиб диний оқимлар таъсирига ёки гиёвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик каби иллатларга мубтало бўлиши бизни асло лоқайд қолдирмаслиги керак. Айтиш мумкинки, бирор ерда жиноят содир этилар экан, бу ўша жойда жамоатчиликнинг роли етарли эмаслигидан далолат беради. Жойларда жамоатчиликнинг таъсир кучини ошириш маҳаллаларда ёшларнинг бебошликка берилиб кетишларининг олдини олишда катта аҳамият касб этади. Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она» деб, бежиз айтилмаган.

Биз бугун аждодларимиз буюклиги билан фахрланмоқдамиз. Бу фахр бизни эртанги авлод ҳам биз билан худди шундай фахрлана олиши мумкин бўлган ишлар қилишга ундаши лозим. Бунинг учун Американи қайтадан кашф этиш шарт эмас, балки қилаётган ишимизга, ўз касбимизга виждонан ёндошишимиз, фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратмоғимиз керак. Шундагина, келажакда яна Берунийлар, Ибн Синолар, Бухорийлару Амир Темур, Навоийлар етишиб чиқади.

Буюк келажак сари қадам қўяр эканмиз, аввало маънавий-маърифий тарғибот масалаларининг ўзак мақсадини англаб етмоқ зарур. Бунинг учун киши ўз аждодларини, томирида кимларнинг қони оқаётганини идрок этмоғи, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англамоғи лозим. Ҳазрати Навоий айтганларидек,

**Эл нетиб топгай мени, мен ўзимни топмасам.**

Демак, аввало инсон ўзлигини англамоғи керак. Бугунги тарғибот жараёнларининг марказида турган масала ҳам халқимизга ўзлигини англатмоқ ва шу орқали эзгулик ва тараққиёт сари олға бормоқдир. Юқорида тилга олинган қарор мазмун моҳияти билан айнан ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Дунёда одамзод учун энг улуғ бахт ҳурлик ва осойишталикдир. Шукрки, юртимиз озод, осмонимиз мусаффо. Бизнинг бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан бири ана шу озодлик ва осойишталикнинг абадий давом этиши учун пойдевор тиклашдан иборат. Шундагина авлодларимиз биздан озод ва обод юртни мерос қилиб олади.

**Суҳбатдош Анвар МАҲМУДОВ**

*АНЖУМАНЛАР*

# Ўқитувчилар конференцияси

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик Катта театри биносида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган биринчи шаҳар ўқитувчилар конференцияси ўтказилди.**

Конференцияни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров олиб борди. Анжуманда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ислом Зокиров «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва иккинчи босқичда амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида» маъруза қилди. Шунингдек, Сирғали туманидаги 318-мактаб-боғча директори Ҳ. Ҳожихонов «Узлуксиз таълим жараёнини амалга оширишда боғча-мактаб мажмуасининг ўрни», Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Д. Ғаниева «Ўқувчининг маънавий онгини шакллантиришда ўқитувчи шахсининг ўрни», шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директорининг ўринбосари У. Зияев «Малака ошириш тизимида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ва жаҳон тажрибасидан фойдаланиш» тўғрисида ва бошқалар таълим соҳасида амалга оширилаётган ва қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида гапирдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р. Жўраев сўзга чиқиб таълим тизимидаги баъзи муаммоларга тўхталиб ўтди.

Конференцияда Тошкент шаҳар халқ таълими ходимлари анжумани қатнашчиларининг пойтахтдаги барча ўқитувчиларига Мурожаати ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, йиғилишда республика ўқитувчиларининг I қурултойига делегатлар сайланди.

Анжуман сўнгида таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ўзининг фидойилиги ва кўп йиллик самарали меҳнати учун бир қатор ўқитувчи ва директорлар «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси» нишони, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг «Ижодкор ўқитувчи» нишони ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг Фахрий ёрлиқлари, шунингдек, Тошкент шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси томонидан муносиб мукофотлар билан тақдирландилар.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова иштирок этди.

**Дилором ИКРОМОВА**



*Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежида айни кунларда 556 талаба таълим олмоқда. Бу ўқув масканида ўқувчилар икки йўналиш — мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиси ҳамда синфдан ташқари тарбиявий ишлар тўгарак раҳбари бўйича билим олишмоқда. Бу ерда талабалар учун алоҳида жаҳон андозалари даражасида таъмирланган ўқув хоналари мавжуд бўлиб, малакали ўқитувчилар таълим беришмоқда. Бу йил коллежни 200 ўқувчи тамомлайди.*

*СУРАТЛАРДА: (юқорида) ўқитувчи Дилором Исломова ўқувчилар тиккан кўйлакни муҳокама қилмоқда. (Пастдаги суратда) ўқув устахонасида амалий иш бўйича тажрибали раҳбар Маъпура Усмонова ўқувчилар билан машғулот пайтида.*

*Равиль Альбеков олган суратлар.*



# Муҳим мавзуда

Яқинда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтида республика илмий конференцияси ўтказилди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан уюштирилган бу анжуман «Ошқозон-ичак тизими органлари паталогиясида гомеостаз муаммолари» деган мавзуга бағишланди.

**Акбар АЛИЕВ**

*ТАДБИРЛАР*

# «Соғлом ёшлар — Ўзбекистон келажаги»

**Бугунги кунда жамиятимизда ёшлар саломатлигига муҳим эътибор қаратилмоқда.**

Шу мақсадда Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Соғлом ёшлар — Ўзбекистон келажаги» мавзусида семинар-йиғилиш ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси «Ахлоқ милицияси» бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Т.Иминов, «Ахлоқ милицияси» бўлими инспектори, милиция капитани И.Аҳмедов, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг наркология ва психология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор У.Алимов ва бошқалар сўзга чиқишиб, ҳозирги кунда ёшлар тарбияси, саломатлиги, гиёвандликка қарши кураш тўғрисида маъруза қилдилар.

Шунингдек сўзга чиққанлар талабалар онгида юксак ватанпарварлик туйғуларини такомиллаштириш ҳамда уларни юқори малакали мутахассис кадрлар қилиб тарбиялаш, ёшлар орасида халқимизнинг миллий-ахлоқий қадриятларини авайлаб-асраш ва уларнинг тарбиявий аҳамиятини янада ошириш, жамиятимизда маънавий соғлом муҳитни юзага келтириш, ёш авлодни замонамизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишларини таъминлаш борасида тўхталиб ўтдилар.

Қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар тарзида ўтган ушбу семинар-йиғилиш сўнгида наркоманияга қарши кураш тўғрисидаги видеофильм намойиш этилди.

**Динора ҒУЛОМОВА**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

## ТАРОЗИНИНГ ПАЛЛАСИ

Ўнинчи синфда ўқиб юрган пайтларимда уйимизда табобатга оид бир китоб бўларди. Устига арабча ҳарфлар билан «Тибби Юсуфий» деб ёзиб қўйилган эди. Асар эски ўзбек тилида бўлиб, 1909 йилда Тошкентда чоп қилинган эди. Мен уни ҳижжалаб ўқир эдим, лекин жуда яхши кўрардим.

1968 йили ТошДУнинг Шарқ факультетини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтига ишга кирдим. Номзодлик диссертацияси учун бир неча йил мавзу танлаёлмай юрдим. Охири академик Убайдулла Каримов ҳузурига кириб, «Тибби Юсуфий»ни ишламоқчи эканимни ва домланинг устоз бўлишларини илтимос қилдим. Домла рози бўлдилар.

Кейинчалик билсам, «Тибби Юсуфий» Бобурнинг хос табиби Юсуфий ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-табиб ал-Ҳаравийнинг форс тилида ёзган табобатга оид шеърий асари экан. Асарда табиб ва шоир Юсуфийнинг тиббий рубоийлари ўрин олган эди. Ҳар бир рубоий биттадан касалликка бағишланган бўлиб, уларда касалликнинг номи, давоси, белгилари, ейдиган овқатларигача баён қилинарди. Ишга киришиб кетдим. Рубоийларни ҳам назмий, ҳам насрий таржима қилдим, изоҳлар ёздим, тадқиқотини амалга оширдим.

**Илмда азоблар лим-лим бўлади,**
**Юрагинг тилиму тилим бўлади.**
**Юрагинг тилиниб, бағринг сўкилгач,**
**Шунда у лиммо-лим билим бўлади.**

Кунлардан бир кун анчагина обрў-эътиборга эга бўлган ва шеър соҳаси билан шуғулланадиган адабиётшунос олимни учратиб қолдим. Нима иш қилаётганимни сўради. Айтиб бердим.

— Бекор қилибсиз, — деди у менга маслаҳат оҳангида. — Белинский «Илмий асарларни шеърда эмас, балки насрда ёзиш керак», деган. Юсуфий ҳам табобат борасидаги илмий ишни шеърда эмас, насрда ёзиши керак эди. Мен ана шу тоифадаги шоирларни танқид қилиб, янги чиқаётган китобимнинг бир бобига киритиб юборганман.

Ёш бўлганим, бу борада унча уқувим бўлмагани ва бу гапни машҳур адабиётшунос оғзидан эшитаётганим учун ҳафсалам пир бўлди, шунча қилган меҳнатим зое кетаётганга ўхшади. Эртасига, тарвузи қўлтиғидан тушган одамдек, шалвираб устоз Убайдулла Каримовнинг ҳузурларига кирдим. Домла ишга кўмилиб ўтирган эканлар. Белинскийнинг фикрини ва илмий асарлар насрда ёзилиши кераклигини айтиб бердим.

— Бу гапларни сизга ким айтди? — деб сўрадилар устоз.

— Фалон адабиётшунос олим айтди, — дедим мен.

— Ўша олим бекорларни айтибди! — деди устоз ва бошқа ҳеч нима демай, ишларини давом эттиравердилар.

Мен ўрнимдан туриб, индамай чиқиб кетдим.

Орадан бир неча йиллар ўтиб, «Юсуф ибн Муҳаммаднинг илмий мероси ва унинг XVI аср Ўрта Осиё маданияти тарихида тутган ўрни» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқладим. Кунлардан бир куни ўша адабиётшунос олимни учратиб қолдим. Тўлқинланиб деди:

— Мен ҳозир янги китоб ёзяпман. Китобимда илмий мавзуларда назм билан ёзган Шарқ олимларининг асарларини таҳлил қилиб бермоқдаман. Беруний ҳам, Ибн Сино ҳам, Навоий ҳам шеърнинг поғонасини баланд деганлар. Ибн Сино табобатга, тасаввуфга ва араб грамматикасига оид асарларини шеърда ёзган.

Мен бу олимнинг сўзларини жимгина тингладим, бироқ уни маломат қилмадим, аксинча, унга инсоф кириб, тўғри йўлга тушиб қолганига хурсанд бўлдим.

**Одам кимдир ўзи, кўзига қара,**
**Туришини кўргил, ўзига қара.**
**Ички оламини билайин десанг,**
**Атворига боқу сўзига қара.**

## БУЛУТЛАРНИ ҚУВЛАГАН ЭМИШ...

Имом ал-Бухорийнинг «Жомиъ ус-Саҳиҳ» китобида ёзилишича, саҳобийлардан бири бир бадавий қабиланинг бошлиғини чаён чақиб олганда оғриғини қолдириб қўяди. Унга бир неча қўй беришади. У Расулуллоҳнинг ҳузурларига келганда:

— Нимани ўқидинг? — деб сўрайдилар.

— Сураи «Фотиҳа»ни, — дейди у.

— Агар бу сура тоққа ўқилса, тоғни ҳам жилдириб юборади, — дейдилар Расулуллоҳ.

Расулуллоҳнинг Қуръон оятлари ва сураларидаги хосиятлар ҳақида айтган ҳадислари жуда кўп. Ўтмишда ҳам, бизнинг даврда ҳам Қуръон оятлари билан даволаган ва даволаётганлар мавжуддир. Бунинг учун эса дуохон ҳақиқий покиза инсон бўлиши, шариат буюрган ишларни мукаммал тушунадиган, Қуръонни тажвид билан ўқийдиган бўлиши шарт.

**Дуохонлар борки, нияти покдир,**
**Худодан ҳамиша кўнглида бокдир.***
**Қуръони Каримни ўқир саводли,**
**Тилни яхши билар, соҳиб идрокдир.**

Бир куни «Сирли олам» журналининг журналхонлар билан учрашуви бўлиб қолди. Бизни олимлар сифатида ҳурматлашиб, тўрга ўтказиб қўйишди. Сўз ола чопон кийган бир кишига берилди. У «Ёсин» сурасини ўқиб, ёмғир ёғдиргани ва тўхтатиб қўйгани ҳақида гапирди. Сўнг ёнимга келиб ўтирди. Ундан:

— Сир бўлмаса, айтинг-чи, нималарни ўқийсиз? — деб сўрадим.

— «Қасидайи Сулаймониййа»ни, — деб жавоб берди.

Мен авлиёлар ва дуолар ҳақидаги кўпгина китобларни ўқиган ва бундай дуони эшитмаган эдим. Яна сўрадим:

— Мумкин бўлса, унинг бошланишини ўқиб беринг.

У қасиданинг бошланишини ўқиди. Бу дуо «Қасидайи Сулаймониййа» эмас, балки Абдулқодир Жилоний (Ғавс ул-Аъзам)нинг «Чил Коф» қасидаси эди. У фақат қасиданинг номини эмас, балки ўқилишини ҳам ўзгартириб юборганди.

**Булутлардан ёмғир ёғдирар эмиш,**
**Туғмаганни ҳатто туғдирар эмиш,**
**Шубҳа йўқки, унинг бу қасидаси,**
**Куни келиб ўзин ағдарар эмиш.**

— Бу «Қасидайи Сулаймониййа» эмас, Ғавс ул-Аъзамнинг «Чил Коф» қасидаси, — дедим унга.

— Майли-да! — деди у бепарво.

— Яна нима ўқийсиз? — деб сўрадим.

— Сураи «Ихлос»ни, — деб жавоб берди у.

— Қани ўқинг-чи, — дедим унга.

У «Аллоҳ ус-Самад» ўрнига «Облоҳ ус-Самад», «Лам йалид» ўрнига «йам йалид», «Куфуван Аҳад» ўрнига «Куппан Аҳад» деб ўқиди. «Ёсин» сурасини ҳам шундай чала-чулпа ўқишига иймоним комил бўлди. Шариат бўйича Қуръон оятларидаги бир ҳарфни ҳам бузиб ўқиш оғир гуноҳга сабаб бўлади. Сураларни бузиб ўқиганда эса, ўз-ўзидан маълумки, сурадаги хосиятлар ўз кучини йўқотади. Демак, бу «улуғ» дуохон ёмғир ёғдирдим, тўхтатдим, деб одамларни ошкора лақиллатиб юрган экан.

**Авлиёлар руҳи ёнида эмиш,**
**Анбиёлар қони қонида эмиш.**
**Ақл кўзи билан чуқур қарасанг,**
**Фирибгарлик унинг жонида эмиш.**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

* Бок — қўрқув.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

# Тошкент шаҳри жамоаси – мусобақа ғолиби

## Ёшлик ва жўшқинлик байрами якунланди

**Илгари хабар қилганимиздек, ўтган олти кун давомида Жиззах шаҳри ва вилоят туманларидаги 13 та стадионда Республика ўрта махсус таълим тизимидаги коллежлар ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида илк бор «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Халқ ўртасида «Кичик олимпиада» номини олган мазкур мусобақаларда барча вилоятларнинг энг кучли талаба-спортчилари спортнинг энг оммавий етти турлари бўйича ўзаро беллашдилар.**

Жиззахдаги улкан спорт байрамига айланиб кетган ўйинларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва республикамизнинг турли вилоятларидан келган 1840 нафар қатнашчи ўзаро дўстлашдилар, улар учун ажойиб маданий дастурлар уюштирилди. Маҳаллаларда қатнашчилар билан учрашувлар ўтказилди.

Энг муҳими, мусобақалар қизғин паллага кирган дамларда Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасининг президенти Собиржон Рўзиев халқаро олимпия қўмитасининг қароргоҳида бўлиб, унинг Президенти Маркиз Хуан Антонио Самаранчга «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг олтин нишонини топширди. Жаноб Самаранч ҳали ҳеч қайси мамлакатда ёшлар ўртасида бундай олимпия ўйинлари ўтказилмаганлигини таъкидлаб, нишон Лозаннадаги Олимпия музейининг энг мўътабар экспонатлари қаторидан ўрин олажагини билдирди.

Натижалар хусусида тўхталадиган бўлсак, енгил атлетика, сузиш турлари бўйича кўплаб рекордлар ўрнатилди.

— Мусобақалардан олдин кўрилган пухта тайёргарлик ўз мевасини бериб, Тошкент шаҳри терма жамоаси юқори натижаларга эришди, — деди биз билан суҳбатда пойтахт ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи, ташкилий қўмита аъзоси Набидулла Маллабоев. — Хусусан, баскетбол бўйича қизларимиз ҳам, ўсмирларимиз ҳам олтин нишонларни қўлга киритишди. Теннис бўйича якка тартибда ва жуфтликлар ўртасида ғалаба ҳамшаҳарларимизга кулиб боқди. Волейболчи қизларимиз чемпион бўлди, сузиш бўйича ҳам жами 37 та медалларни қўлга киритган тошкентликлар умумжамоа ҳисобида биринчи бўлишди. Бухороча кураш баҳсларида ўсмирларимиз учинчи ўринни қўлга киритишди. Енгил атлетика баҳсларида ҳамшаҳарларимизга тўртинчи ўрин насиб этди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими ҳам спорт ва маданиятимизнинг улкан байрамига айланиб кетди. Хусусан мусобақа қатнашчилари Юртбошимизнинг ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш, уларнинг ҳар соҳадаги кенг имкониятларини очиш борасидаги ғамхўрликларига жавобан мурожаатнома қабул қилдилар. Барча ғолиб ва совриндорлар олтин, кумуш ва бронза нишонлари, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида 118 очко жамғариб мусобақа ғолиби бўлган Тошкент шаҳри жамоасига, шунингдек, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Наманган ва Тошкент вилояти ёш спортчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари бўлмиш «Дамас» ва «Тико» автоуловлари топширилди.

Ҳа, Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида ажойиб анъанага асос солинди. Келгуси ўйинлар эса 2003 йилда Қашқадарё вилоятида ўтказилади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

«ҲАВАС» МУСОБАҚАЛАРИ



# Қатнашчилар маҳорати ошмоқда

**Илгари хабар берганимиздек, ўтган шанба ва якшанба кунлари шаҳримиздаги «Динамо» теннис кортларида мамлакатимиздаги раҳбар ходимлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари ўртасида теннис бўйича анъанавий «Ҳавас» мусобақалари бўлиб ўтди.**



Биринчи куни қуръа ташлаш маросимидан сўнг жуфтликлар бўйича қатнашаётган 64 теннисчи саккизта гуруҳга бўлинган ҳолда, шунингдек якка тартибдаги 48 спортчи давравий усулда чорак финалга чиқиш учун кураш олиб боришди. Гуруҳлардаги кескин беллашувлардан сўнг О. Носиров — Т. Жабборов, Ш. Назаров — В. Никифоров, А. Солиҳбоев — Р. Эргашев, О. Алихўжаев — У. Набиев, В. Отаев — К. Шодиев, Р. Файзуллаев — А. Алиев, Л. Отабоев — Ш. Хўжаев жуфтликлари кейинги босқичга чиқди.

Якка тартибдаги спортчилар орасидан эса омад Б. Аҳмедов, Т. Султонов, В. Болкунов, А. Зиётов, Ф. Турсунов, Ф. Раҳимов, С. Ниёзов ва Ф. Юсуповларга кулиб боқди.

**КЕЧА**

«Ҳавас» турнирининг ҳал қилувчи баҳслари бўлиб ўтди. Айниқса ярим финал учрашувлари ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатаётган кучлилар орасидан кучлилар Носиров — Жабборов жуфтлиги Назаров — Никифоровни 6/3 ҳисобида енгиб финал беллашувига йўлланма олишди.

Шундай қилиб, финалга Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов ва «Телеком» акционерлик компаниясининг Намангандаги шохобчасининг директори Омон Носировга қарши кортга ҳамшаҳарларимиз — Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасининг раиси Равшан Файзуллаев ва «Маҳаллий саноат» концерни раҳбари Анвар Алиевлар тушишди. Аниқ зарбалар ва чиройли комбинацияларга бой ушбу ўйин 6/4 ҳисобида Наманган вилояти жамоаси ғалабаси билан тугади.



Назаров ва Никифоровлар фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Якка тартибдаги қатнашчилар финалида эса Республика Миллий хавфсизлик хизматидан Фахриддин Турсунов ва Наманган вилояти савдо бошқармасининг бошлиғи Атҳам Зиётовлар ўзаро беллашишди. 6/3 ҳисобида устун келган Турсунов «Ҳавас» мусобақаларининг бу йилги ғолиби бўлди. Учинчи ўрин эса Республика Ташқи ишлар вазирлиги вакили Т. Султоновга насиб этди.

— Раҳбарларнинг бир-бирларини тушуниб, ўзаро фикр алмашишлари, жисмоний жиҳатдан ривожланишларига имкон яратувчи «Ҳавас» турнири жаҳон андозаларига мос кортларда жуда яхши ташкил қилинди, — дейди ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев. — Илгарилари биз теннис баҳсларини фақат ойнаи жаҳон орқали кўриб, юртимизда ҳам ушбу ажойиб спорт тури ривожланармикан дея орзу қилардик. Шукр, ҳозир теннис халқ орасида ҳам оммавийлашиб боряпти, раҳбарлар ўртасида ҳам ривожланяпти. Энг муҳими, «Ҳавас» қатнашчиларининг маҳоратлари йилдан-йилга ошиб бормоқда ва кўпгина тизимларда ходимлар ўртасида ҳам ички мусобақалар ташкил этилмоқда. Биз ҳам уюшмамиз таркибига кирувчи 50 та корхона ходимлари иштирокида мусобақа ўтказдик. Энг кучлиларни саралаб олишга тўғри келди. Демак, «Ҳавас» турнири ўз олдига қўйилган мақсадларга тўлиқ эришяпти.

Ғолиблар ва совриндорларга «Ҳавас» кубоклари, қимматбаҳо совғаларни Республика теннис федерациясининг президенти Рустам Иноятов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановлар топширишди. Оммавий ахборот воситалари томонидан таъсис этилган совринлар ҳам ўз эгаларини топди. Хусусан, «Халқ сўзи» газетасининг «Энг истиқболли жамоага» соврини Т. Зокиров ва Б. Ҳусанбоевларга топширилган бўлса, «Ўзбекистон овози» газетасининг «Ҳавас» дебютанти» соврини С. Мирзаевга, «Правда Востока» газетасининг «Ишқибозлар ишончини қозонган» соврини Г. Саидова ва С. Ганчуринага, Ўзтелерадиокомпаниясининг «Ғалабага бўлган иродаси учун» соврини А. Отабоев ва А. Хўжаевга, ЎзА-нинг «Ҳавас» фахрийси» соврини А. Кутлиев ва В. Юсуповга, «Ватанпарвар» газетасининг «Омад кулиб боқмади» соврини чорак финал ўйинида жароҳатланган Б. Аҳмедовга, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг «Журналистлар дўсти» соврини А. Мирқосимовларга топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТЛАРДА: «Ҳавас» турнирининг финал беллашувларидан.**

**Сергей Любчич ва Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган суратлар.**

Футбол: Жаҳон чемпионати — 2002

# Терма жамоамиз — иккинчи босқичда!

**Ўтган ҳафтада Иорданияда ишқибозларимиз катта умид боғлаётган, таркиби янгиланган терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатига саралаш турнири дастлабки босқичининг икки учрашуви бўлиб ўтди.**

Туркманистон терма жамоаси билан дастлабки ўйин айниқса, биз учун муҳим аҳамият касб этарди. Шу сабабли чуқур масъулиятни сезган футболчиларимиз ўйинни тезкор руҳда, шиддатли ҳужумларни уюштирган ҳолда бошлашди. Бироқ М. Қосимов ва Ж. Ирисметовларнинг икки тўпига Владимир Байрамов ҳам икки гол билан жавоб бергани ҳолда биринчи тайм 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Иккинчи таймда Бақоев, Акопянц ва Георгиевларнинг саъй-ҳаракатлари орқали ўйин 5:2 ҳисобидаги терма жамоамизнинг ажойиб ғалабаси билан тугади.

Ўтган шанба куни эса футболчиларимиз Хитой Тайпейи ҳудудий жамоаси билан иккинчи ўйинга тушдилар. Гуруҳдаги энг кучсиз жамоа билан ўйинда чарм тўп усталаримиз кетма-кет хужумлар уюштириб кўплаб хавфли вазиятларни юзага келтирган бўлсалар-да, биринчи тайм Ж. Ирисметовнинг аниқ зарбасидан сўнг 1:0 ҳисобида якунланди. Фақат учрашувнинг охирги дақиқаларида М. Қосимов ва Ж. Ирисметовларнинг чиройли голларидан сўнг ушбу ўйин терма жамоамизнинг 4:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Шу куни Туркманистон футболчилари Иордания терма жамоасини 2:1 ҳисобида ютганидан кейин охирги икки ўйиннинг натижасидан қатъи назар юртимиз чарм тўп усталари август ойида Осиёнинг энг кучли ўн жамоаси иштирокида ўтказиладиган саралаш турнирининг иккинчи босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**БУГУН**

Ўзбекистон — Иордания ва Туркманистон — Хитой Тайпейи ҳудудий жамоалари ўртасидаги учрашувлар билан Ўзбекистон ва Иордания мамлакатларида ўтган саралаш турнирининг дастлабки босқичига якун ясалади.

Қуйида эса 7-саралаш гуруҳида 7 майгача бўлган вазият билан таништириб ўтамиз.

| | Ў | Ю | Д | М | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон | 5 | 4 | 1 | 0 | 19-4 | 13 |
| Туркманистон | 5 | 3 | 0 | 2 | 11-7 | 9 |
| Иордания | 5 | 2 | 1 | 2 | 11-6 | 7 |
| Хитой Тайпейи | 5 | 0 | 0 | 5 | 0-24 | 0 |

**(Ўз мухбиримиз)**

**Қалдирғочлар инсонга дўст қушлар экан. Қўлимга қалам олишимга сабаб ўзим гувоҳи бўлган воқеадир.**

Уйимизга, айвонимиз шипига қалдирғочлар уя қурганларига анча йил бўлган. Ҳар йили эрта баҳорда кунлар қизий бошлаши билан қалдирғочлар ҳовлимизга, ўз уяларига учиб келиб тухум қўйиб бола очадилар. Уларни боқиб катта қилиб, учирма қиладилар, бу полапонлар учиб, ўрганиб, ҳавода эркин парвоз қилгунча куз ҳам келиб қолади. Улар яна қишлаш учун жанубга йўл оладилар. Қанчалик юксак тоғлардан ошадилар, дарёлардан, денгизлардан қанот қоқиб учиб ўтадилар. Кичкина вужуди билан ҳаётнинг барча қийинчиликларига бардош берадилар, вақт эса тўхтамайди. Фасллар ҳам бир-бирини тез қувлашиб куз, қиш, баҳор, яна кунлар қизий бошлайди. Дарахтлар оппоқ гулларга бурканади, тоғлардаги қизил алвон-алвон лолалар ўзини бутун борлиққа кўз-кўз қилади. Баҳор элчилари қалдирғочлар ҳам тез шошиб учиб келадилар.

БАҲОР ЭЛЧИЛАРИ



# Қалдирғочлар – хосиятли қушлар

...Отажоним ўша йили қалдирғочларни соғиниб, орзиқиб кутдилар. Эрта баҳордан кутдилар, март ойининг ўрталари ҳам бўлди, кунлар қизиб кетди, қалдирғочлардан эса дарак йўқ.

Отажоним ҳар куни қалдирғочларнинг уяларига кўз тикиб уларни орзиқиб кутдилар. Лекин орзиқиб, соғиниб кутган қалдирғочлари келмади. Бир куни Отажонимнинг кўзларида ёш кўрдим, кўнглим алланечук бўлиб кетди. «Ота, қалдирғочлар келиб қолар ҳали», — дедим. Орадан икки-уч кун ўтди. Хонадонимизга оғир кулфат тушди. Жонимиздан ортиқ кўрган Отажонимиз мангу уйқуга кетдилар. Шу йили уйимизга, қалдирғочлар ўз уяларига учиб келмадилар. Орадан яна фасллар қувлашиб шошиб ўтиб, келгуси йил баҳор келди.

Бир куни қадрдон мактабимдан қайтсам ҳовлимизда қалдирғочларнинг вижирлашиб чарх уриб айланиб учиб юрганини кўриб ўзимни тўхтата олмадим, кўзимдан армон ёшлари оқиб қуйилаверди. Уйимиз қувончга тўлди. Отажонимнинг «Қалдирғочлар энг хосиятли қушлар. Улар доим бир яхшиликни бошлаб келишади. Қалдирғочлар энг тинч хонадонга уя қуришади. Қалдирғочлар бахт-иқбол олиб келади», — деб айтган сўзлари бир умр қалбимда мангу сақланиб қолди.

Отажоним қалдирғочларни сўнгги бор кўриб улар билан дийдорлаша олмадилар, қалдирғочларни ўз фарзандларидек кўриб уяларини кўз қорачиғидек асрардилар. Қалдирғочлар эса хонадонимизга ҳеч қачон шумхабар, ёмон ният олиб келмаган эканлар. Куз келса қалдирғочларимиз жуда безовта бўлиб Отажоним истиқомат қилган уй эшигига қўниб қаторлашиб эзилиб, қайғули бир фарёд билан ҳар йили хайрлашиб мунгли учиб кетадилар. Оҳ, она табиат, шу миттигина вужудга шунчалик ақл-идрок бахш этганингга лол қоламан.

Шу ўринда Мавлоно Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асаридан ўрин олган бир ибратли ҳикоят ёдимга тушди. Аллоҳнинг топшириғига биноан Нуҳ Алайҳиссалом тўфон бошланиб ер юзини сув босганда барча жонзотлардан бир жуфт, бир жуфтини кемаларга чиқариб олиб сақлаб қолганликлари маълум. Кемани қайсидир ҳайвон тешади, кема чўка бошлайди. Шунда илон ўша тешилган жойга ўралиб ётиб кемани фалокатдан сақлайди. Бундан мағрурланган илон ўзини ҳайвонлар подшоси фаҳмлаб арига буюрадики ҳар бир жониворнинг гўштидан татиб кўргин, қайсисининг гўшти ширин бўлса, менга айтасан. Ари хабар учун илон ҳузурига кетаётганда қалдирғочга дуч келади. Қалдирғоч арининг қаерга кетаётганлигини сўраганда, ари воқеани айтади. Қалдирғоч: «Қайси жониворнинг гўшти ширин экан?» деб савол берганда, ари одам гўштининг ширин эканлигини айтади. Шундан сўнг қалдирғоч: «Яхши хабар олиб келаётган экансан, кел, тилингдан бир ўпай», дейди. Ари ийиб кетиб, тилини чиқарганда қалдирғоч тилини узиб олади. Шундан сўнг қалдирғоч арига ҳамроҳ бўлиб илон ҳузурига боради. Илон аридан гап сўраса тили узилган аридан ғўнғиллаган товуш чиқади, холос. Илон қалдирғочдан: «У нима деб ғўнғиллаяпти» деб сўраса, қалдирғоч «У бақа гўштини ширин экан демоқда», деб арининг гапини таржима қилибди. Шу-шу илон кўпроқ бақани истеъмол қиладиган бўлибди, қалдирғоч эса абадул-абад инсонга дўст бўлиб қолибди. Шу туфайли бўлса керак, қалдирғочлар одамларнинг уйлари шипига уя қуриб яшайдилар.

Ҳа, бу ривоятни эшитмаган, билмаган инсон топилмайди. Илоҳим, қалдирғочлар хонадонларимизни, уйларимизни ҳеч қачон тарк этмасинлар, доим бизларга хушхабар, доим бир яхшиликни бошлаб келишсин. Ҳамиша мусаффо осмонимизда чарх уриб учсинлар, она табиатимиз бағридаги энг назокатли, фусункор қушлар бўлиб қолсинлар.

**Марҳамат МАТВАФАЕВА**

БИЛАСИЗМИ?

# Биринчи чўнтак газетаси

**Нусхасининг кўплиги билан учинчи ўринда турадиган машҳур «Майнити симбун» газетаси Япония радио-электроника соҳасида юқори кўрсаткичларга эришган. «Шарқ» фирмаси билан ҳамкорликда жаҳонда биринчи бўлиб, электроника усулига асосланган, чўнтак газетасини чиқаришга эришдилар.**

Бу пейжернинг такомиллашган тизимига асосланган бўлиб, ҳафтада беш марта чиқади. Электрон газета соҳиблари чўнтак калькуляторидек келадиган электрон экранида кунига камида 160 сўздан иборат 180-200 та мақолани ўқишлари мумкин. Мақолалар кунига турли янгиликлар билан 2 марта янгиланади.

Газета таҳририятининг келажакда ўз обуначиларини яна бир неча миллион кишига кўпайтиришга имконлари етарли. Бу янгилик ҳозир тансиқ бўлган юз минг тонналаб қоғозни тежаш ҳамда муштарийларга қулай шароит яратиб, янгиликлардан ўз вақтида тезда хабар олиш ва вақтни тежаш имкониятини яратади.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД**

**ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!**
«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 11 майда чиқади.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТУВЧИ БАРЧА КОРХОНАЛАР, ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент шаҳридаги йўналишларда йўловчиларни ташишни ташкил қилувчи комиссия 2001 йил 24 майда йўловчи транспортида хизматларни кўрсатиш учун шартномани имзолаш ҳуқуқини берувчи тендер танловини ўтказади.

Тендерга маршрутли такси ва автобус йўналишларининг қуйидаги рақамли йўналишлари қўйилади:

— 23 «Қўйлиқ Ц-3 автобекати — метронинг «Машинасозлар» бекати автобекати»
— 42 «Метронинг «Пахтакор» бекати автобекати — 10-автомобилларни таъмирлаш корхонаси»
— 43 «Жомий майдони — Оқтепа майдони»
— 100 «Бешқўрғон маҳалласи — метронинг «Пахтакор» бекати автобекати»
— 122 «Эркин» шаҳарчаси — Қўйлиқ — Ц-2 автобекати»
— 102 «Қўйлиқ Ц—1 автобекати — «Бинокор» шаҳарчаси»
— И-3 «Отчопар» бозори — Бешёғоч майдони»
— 115 «ТошГРЭС шаҳарчаси — метронинг «Мустақиллик» бекати автобекати»
— 77 «Чилонзор 25 мавзе автобекати — Аэропорт автобекати»
— 113 «Аэрация станцияси — Фарҳод бозори»
— 79 «Бирлик» даҳаси — «Бошлиқ» даҳаси»
— 127 «ТТЗ— Бўзбозор автобекати»
— 4 «Яланғоч» даҳаси — Сайрам автобекати»
— И-1 «Сергели -7 даҳаси — «Отчопар» бозори»
— 38 м «Метронинг «Беруний» бекати — Ибн Сино даҳаси»
— 84 м — «Қўйлиқ Марказ — Фарҳод бозори»
— 17 м «Метронинг «Чорсу» бекати автобекати — «Роз Трейдинг» супер улгуржи бозори»

Тендерда қатнашишни хоҳловчилар тендер ҳужжатлари тўпламини олиш учун 2001 йил 1 майдан кечикмаган ҳолда қуйидаги манзилда жойлашган комиссияга талабномани беришлари керак: Амир Темур 1-тор кўчаси, 6. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, 413-хона. Талабномага шаҳар ичида ёки шаҳар атрофида йўловчиларни ташишни амалга ошириш учун рухсатнома қўшиб топширилади.

Тендер таклифларини топшириш муддати 2001 йил 1 майдан 2001 йил 10 майгача.

**Тендерларни ташкил этиш бўйича Тошкент шаҳар комиссияси.**

**Корея Республикасининг қўшма корхонаси Тошкент шаҳрида яшовчи 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган қизлар ва аёлларни тўқимачилик саноатининг қуйидаги ихтисосликлари: йигирувчи ва тўқувчи, ип ўраш, тараш, титиш, лентани текислаш анжомларининг операторлари; Қуролли Кучлар сафларида хизматни ўтаб қайтган 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган йигитларни эса электрик, уста ва чилангар ёрдамчилари, таъмирчилар касбларига доимий ишга таклиф этади. Юқорида санаб ўтилган ихтисосликларга эга бўлмаган ишчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касбга ўргатилади.**

**Ишчилар овқат, махсус иш кийими, транспорт хизмати билан таъминланади. Ишга вақтбай тарзида ҳақ тўланади.**

**Ҳар сешанба ва жума эрталабки соат 8.30 дан бошлаб қабул кунлари ҳисобланади.**

**Манзилимиз: Шайхонтоҳур тумани, Зиё Саид кўчаси, 2-а уй.**

**Телефон: 120-48-00 (12-09).**


БУ АЖИБ ДУНЁ

### Картошкага ўрнатилган ҳайкал

Кимларга ва нималарга ҳайкал ўрнатилмаган дейсиз? Уларнинг орасида ҳайвонларга ўрнатилганлари ҳам бор, озиқ-овқат турлари ҳам.

Германия Федератив Республикасида яна бир одатдан ташқари ҳайкал пайдо бўлди. Бу ҳайкал ўзимизнинг оддий... картошкага ўрнатилган. Унинг тагидаги гранит лавҳада «Германияда биринчи марта картошка 1746 йилда шу ерда экилган» деб ёзиб қўйилган.

### Йўловчилар йўлда кино кўришади

Швейцариянинг пойтахти бўлмиш Стокгольм билан Лусло шаҳри оралиғида қатнайдиган поезд ўз кино залига эга. Кино залда 36 та ўриндиқ бор. Икки шаҳар ўртасида 14 соатлик йўл, шунинг учун ҳам бемалол кино кўриб кетса бўлади. Кино залда аввал болалар учун, кейин оилавий томоша учун, сўнг эса фақат катталар учун фильмлар намойиш этилади.

### Оёқда, қўлда, ҳатто бармоқда...

Икки қўлда юрувчи одамлар борлиги ҳақида ўқиганлар топилади, албатта. Бироқ дунёда шундай одамлар бор эканки...

АҚШнинг Жоржия штатида яшовчи Оскар Бредли нафақат икки қўлда, ҳатто бош ва кўрсаткич бармоқларига таяниб юриш қобилиятига эга экан. Қаранг-а!

### Суперкомпьютер

Япониянинг «Нихон дэнки» фирмасида дунёда энг тез иш бажарадиган суперкомпьютер ишлаб чиқарилди. У бир сонияда ярим миллиард иш жараёнини бажара олади.

Бу машина банк тармоғида, илмий текшириш институтларида, ахборот марказларида, шахсий корпорацияларда ишлатишга мўлжалланган.

### Тўрт номдаги дарё

Малайзиядаги энг катта дарёнинг узунлиги 120 километр бўлиб, номи тўрттадир. Дарёнинг дастлабки 32 километрини маҳаллий аҳоли Бетис деб атайди. Ундан кейинги 44 километри Нингири, яна 44 километри Галас ва сўнгги, Жанубий Хитой денгизига қуюлувчи қисми Келантан деб аталади.

### Аёллар... маҳрум этилади

Қувайт йўл полициячилари аёллар автомобиль бошқаришдан маҳрум этиладиган деган қоида жорий этган. Эндиликда юзида ёпинчиғи бор аёлларнинг машина ҳайдаши мазкур қоидага асосан тақиқланади.

Қўшни Саудия Арабистонида бу муаммо ўзгача ҳал қилинган: у ерда аёлларнинг машина бошқариши умуман тақиқланади.

### Қуёшсиз тўқсон бир кун

Италияда шундай бир қишлоқ бор, Йозефберк деган. Қишлоқнинг ғаройиблиги шундаки, ҳар йили қиш ойида, яъни 30 ноябрдан 2 февралгача қишлоқда қуёш умуман юзини кўрсатмайди. Сабаби тоғлар тўсиб қолади. Қишлоқ аҳолиси 91 кун давомида қуёшсиз яшашга мажбур!

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.**


Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йилда Гузалхон Усмановна Байгильдина номига берилган № 552-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


«Тошкент оқшоми» ижодий жамоаси газетанинг собиқ ходими **Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2407. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6